Замира РЎЗИЕВА

# Умид боғи

Тошкент
"ADIB" нашриёти
2013

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЎК:821.512.133-1
КБК:84(5Ў) 7
Р99

**Рўзиева, Замира**
Умид боғи: шеърлар/З.Рўзиева; – Тошкент: Адиб, 2013. – 168 б.

УЎК:821.512.133-1
КБК:84(5Ў) 7

ISBN 978-9943-4165-5-0

© З.Рўзиева, 2013
© «Adib» нашриёти, 2013

www.ziyouz.com kutubxonasi

# Ўзбекистон деган жарим бор

* * *

Шеърият –
Томиримда оккан Хаётим,
Сенга муносиблик –
Гафлатдан кечмок,
Тунда юлдуз жилваларига
Хеч аямай ўзни осмокдир.
Ва яна бедорлик
Боласин ичмок.
Ойнинг кумуш шуълаларига
Йиглаб юрагингни босмокдир.
Шеърият –
Бобо йўлдан келган Баётим,
Гулбаргларда титраган
Шабнамлар уйингмикан...
Сочин шамол тараган
Санамлар куйингмикан...
Шабнамларга юз ювсам
Карогимда коларму?!
Санамларга жон тутсам
Карогига оларму?!
Шеърият,
Уйингга киргим бор.
Бахш этгани сенга умримни.
Кара, рухим бегард, бегубор.
Кўнглим – асл ошик.
Шеърият,
Куйлатиб бер кўнглим – кумримни.
Янграб кетсин орзумдай кўшик.
Шеърият...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ВАТАН

Жонингга улашган жонман барибир,
Гарчи хайкирмасман маддохлар каби.
Менинг танглайимни кўтарган ахир,
Сени севганларнинг буюк матлаби.

Йиглашдан кўр бўлар кўзим, биламан,
Сен дардманд яшасанг, инграсанг агар
Басира хаётни нима киламан,
Ҳар лахзам табибинг бўлар мукаррар.

Менга севги тутар, менга ишк тутар
Ҳатто саксовулнинг, куйдиргич кумнинг.
Жонимга хузурли дамлар бахш этар
Битта жилмайишинг, бир табассумнинг.

Мехроб илгичимда оппок рўмол бор –
Ҳар бомдод бошимга ўрайман, Ватан.
Секин шивирлайман такрор ва такрор:
Чорла, бас, кунингга ярайман, Ватан.

Мухаббат кимларни кучли килмаган,
Сени кўтараман кароқларимда.
Саждага бош кўйиб тилайман, Ватан,
Изим узилмасин тупрокларингдан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎЗБЕКИСТОН ДЕГАН ЖАРАНГ БОР

Ўзбекистон деган жаранг бор,
Борки яшар сен билан баҳор.
Бу йўлдаги соғинч тотлидир,
Тотли ҳатто чекилган озор -
Ўзбекистон деган жаранг бор.

Тоғлардан топганинг жўровоз,
Боғлардан топганинг гул, пардоз.
Отанг суйган кетмонга қараб,
Юрагингга айланади соз –
Ўзбекистон деган жаранг бор.

Кеч кузлаги ҳосил туйида,
Келинчакнинг сепли уйида.
Айвонингга қайтган қалдирғоч
Чарх айланиб тўккан куйида –
Ўзбекистон деган жаранг бор.

Ҳокин ўпган мажнунтолдайсан,
Тоши тегса оғриқ олмайсан,
Бутунлашиб бораверасан,
Севолсанг бас, куйсиз қолмайсан –
Ўзбекистон деган жаранг бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЎХШАШИНГ ЙЎҚ

Ёши улуғ чинорларинг эртак айтар,
Яқинлашсам юрагимда ёнар чироқ.
Энтикаман кўнглим тўла гули сафсар,
Ўхшашинг йўқ эй, она юрт, она тупроқ.

Куртак кўрдим намчил ёғоч ёриқларда,
Руҳим кўшик симиради ариқлардан,
Сир яшайди бобом кийган чориқларда,
Ўхшашинг йўқ эй, она юрт, она тупроқ.

Айвонларинг қурилгандир куёшга ўнг,
Қалдирғочлар кўмсаб қайтар ҳар қишдан сўнг,
Нақадар хуш момом қавиб ўтирса тўн,
Ўхшашинг йўқ эй, она юрт, она тупроқ.

Юриб борсам сўқмоқларинг илонизи,
Саркаш этар мени майса, кўкат иси,
Сўйлайверсин сулувларнинг чанқовузи,
Ўхшашинг йўқ эй, она юрт, она тупроқ.

Юртлар кўрдим, бердим сайёҳ саломини,
Томошолар қилдим Миср эхромини,
Илло, сендан айирмасин Худо мени,
Ўхшашинг йўқ эй, она юрт, она тупроқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТОЖ-ТАХТЛИГИМ ТОШКЕНТИМ

*Тошкентнинг 2200 йиллигига*

I

Ўзбекистон гўзал, хур,
Хотамдир офтоб, ойи.
Юзида кўрингайдур
Она Шаркнинг чиройи.
Пойтахти сен, бош кентим,
Тож-тахтли сен, Тошкентим.

Ўн иккита дарвозанг
Мехмонни хуш кўради.
Эшитганлар овозанг,
Келмокни туш кўради.
Кадим исминг – Шош, кентим,
Кўклам тусли Тошкентим.

Икки мингу икки юз
Ёшинг муборак, шахрим.
Авлоди Алпомиш тус,
Шошим, муборак шахрим.
Хур пойтахтсан, Бош кентим,
Тилло тахтсан, Тошкентим.

Аждодларинг тош тани
Гирдинг ўраб туради.
Не улуглар Тошканин
Рухлар кўллаб туради.
Уч мингдан-да ош, кентим,
Гул Ватанда, Тошкентим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Йўлларингдан юрса ким,
Ҳайрат топсин, тўлиқсин.
Сени жондан суйса ким,
Чин Хизрга йўлиқсин.
Элга кўзу қош кентим,
Юртнинг юзи – Тошкентим.

2

Табарраклик тахти насиб Шошсан, Тошкент,
Минг йилликлар билан суҳбатдошсан, Тошкент,
Мустақиллик ярашган юрт – Ўзбекистон
Пойтахтисан, унга ўзинг бошсан, Тошкент,
Икки мингу икки юзда – ёшсан, Тошкент.

Нон шаҳрисан, зарварақдан мозий айтар,
Булоғингдан симирганлар рози айтар,
Мумтозликнинг ўлмайдиган сози айтар,
Обидалар сеҳрида наққошсан – Тошкент,
Икки мингу икки юзда – ёшсан, Тошкент.

Сукланади самовотнинг моҳи сенга,
Бойланади башарнинг минг роҳи сенга,
Дўстингдир ким тинчлик хайрихоҳи сенга,
Зориққанга ризқ тутган дилдошсан, Тошкент,
Икки мингу икки юзда – ёшсан, Тошкент.

Отам кийган яктақдаги Ватан ўзинг,
Садоқатли юракдаги Ватан ўзинг,
Ҳовуч-ҳовуч тилакдаги Ватан ўзинг,
Ўзбекистон узук, ақиқ тошсен, Тошкент,
Икки мингу икки юзда – ёшсан, Тошкент.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Топган дунём – сарбаланд сўзим Ватан
Лаб босганим – сен чанқовузим, Ватан.

Кетмон тутган отам берган буғдой нон,
Ҳалол луқма – насибам-тузим, Ватан.

Салафларим неча минг-минг йиллардан
Яраклайдир – инжу бир чизим, Ватан.

Умрим окиб борар, ортга кайрилсам,
Гуркираган райҳондир изим, Ватан.

Чақирсалар ўз савтим, ўз исмим бор,
Ўз дунйим, ўз яктагим, бўзим, Ватан.

Тасаввуримга сигмайди сенсизлик,
Ватансизга тиларман тўзим, Ватан.

Замиралар омон бўлса кафтдасан,
Топган дунём – сарбаланд сўзим, Ватан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ВАТАН БИРСАН, БИТТАСАН

Иззатларман озод рухни, хурликни,
Қиёсларман қалбимга тоғ, қирликни.
Сиғинганим, суянганим бор ахир,
Ёздиғим деб ёқладим ёвқурликни.

Тўрғайларим тоза туйғу тутдилар,
Ғафлати йўқ кўзларим тонг кутдилар.
Қароликлар қайғу берса ютдилар,
Феъл қилмадим бақира-бақирликни.

Йўлим узун, тоғларим тик, савлатлик.
Ариқларда оққан сувим новвотлик,
Гар оримни еб келса бадавлатлик,
Танлагайман қадди тик фақирликни.

Сўзлаб ўтар саргини дафтардан семург
Синмаслигин бобом тақиб кетган туғ.
Кафтим тўла райҳон уруғ, гул уруғ.
Боғ этарман бўлса дашт-тақирликни.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СУРАТИНГ СЕНИНГ, ВАТАН

Таъриф, тавсифдан баланд
Кўкламнинг гул, ялпизи,
Кўнгли фаришта монанд
Момоларимнинг юзи.
Қишлок айланиб шошган
Тўйкозоннинг "жиз-биз"и,
Келинларга ярашган
Амиркон ковуш изи –
Кўз корамга жойланган
Суратинг сенинг, ВАТАН.

Сингилчамда солланган
На хуш толбаргак сочлар.
Ерга санчилиб колса
Гуллаб кўйган ёғочлар.
Айвонин адаштирмай
Қайтган куш, калдиргочлар.
Пастак уйли ховлилар
Топган ризку ривожлар –
Сулувланган, ойланган
Суратинг сенинг, ВАТАН.

Бир ел ўтса бир дунё
Бўй сочган садарайҳон,
Тиллоланган узумга
Етиб яйраган нарвон.
Меҳмон келиб колар деб
Асралган олтита нон.
Андишаси чирой, зеб
Содда эл – кўкси осмон –
Жон ичимга бойланган
Суратинг сенинг, ВАТАН.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ризкинг кутлуғ тупрокда, осмонларга чалғима.
Мушкул йўликкан чокда, осонларга чалғима.
Сени жонга йўймаган жононларга чалғима.
Еган, ичган, тўймаган нодонларга чалғима.

Файзга зорикканинг кез изла онанг юзини.
Фикр килгин бунча тез келган хазон, кузини.
Ўзни топарсан ўпиб калишларин изини.
Ростнинг белин синдириб, ёлгонларга чалғима.

Кай кўзни кувнатмагай омад кушин натлари.
Кондош чикар пайдар-пай кечаги кун ётлари.
Бу сўз бошдан ўтказган табибнинг хикматлари.
Сиповлари сир давру давронларга чалғима.

Орзу истакнинг бойи сахройи ошикники.
Бу оламнинг чиройи минг йиллик кўшикники.
Гўзал огрик, тоза дард хамишалик ишкники.
Вазнин ўлчаш гумрохлик, мезонларга чалғима.

Нурнинг кадру киммати зулматнинг чирогида,
Хотамитой химмати яхшининг ярогида.
Барг ёзсанг, гуллай билсанг, хур Ватанинг богида –
Накд бахтинг шу, Замира, гумонларга чалғима.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мен бир гулман гулзор Ватанда,
Тун, шомида чирок бўламан.
Дўст кўнгилининг чигалларини
Ёзмоқликка тарок бўламан.

Шеърга бериб жон-жаҳонимни,
Чархга солдим куним, онимни,
Ҳолсизланиб суянса кимдир,
Набототли бир тоғ бўламан.

Дардингизни олай бирма-бир,
Бағрим менинг энг дардкаш бағир.
Топгунча то шифо чашмасин
Саргардонга ўртоқ бўламан.

Офтоб ҳаваслланади ҳали,
Истакларим рўёб маҳали.
Ўз сўзимни айтиб элимга,
Порлаган маёқ бўламан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# СЕВДИМ

Ватан, сен ой, офтобим, зиёларингни севдим.
Қутлуғ хоки туробим, гиёҳларингни севдим.
Ичсам таъми гулобим, дарёларингни севдим.
Шашмақомли рубобим, наволарингни севдим.

Сен алп бобом қолдирган хосиятли "тузуг"им,
Баланд-баланд дарахтлар илдизида озиғим.
Минг шукур, пешонамга худо берган ёзиғим,
Кафтга олиб юргоним – хиноларингни севдим.

Кечмишингни варақлаб гоҳо сел-сел тўкилгум,
Оҳинг кўрсам бўғзимга тошлар тўлар, тикилгум.
Ватан дея жон берган улуғларга йиқилгум.
Ёт гулшанни на қилгум, саҳроларингни севдим.

Ишқ оҳангга эврилса, мен найга айланурман,
Икки қароғим соқий, хуш майга айланурман.
Сен аршим, сен меърожим, бағрингдаги бир хурман,
Замирам, деб чорлаган садоларингни севдим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# СЕВИЛГАН ВАТАН БУ

Сурат, сийратингга термулганим дам,
Севги бўла борди менинг-да жоним.
Мехринг чўғи боис юракда ёнган
Гулханлар севгидир, Ўзбекистоним.

Афсоналар топдим – нафармон, сарик,
Топдим шахидлардан ёдгорлик чориғ,
Хар битта япроғи, гули бир тарих
Гулшанлар севгидир, Ўзбекистоним.

Найранг, нағмаларга елка тутмаган,
Соткин кўприклардан харгиз ўтмаган,
Куюнда колиб хам ғубор ютмаган,
Ор-шаънлар севгидир, Ўзбекистоним.

Севилган Ватан бу – севилган имон,
Хар ковул ковраги асрагай омон,
Буюк халк бўлишга йўллари равон,
Равшанлар севгидир, Ўзбекистоним.

Сенинг гуриллаган гулханларингга,
Хушрўй, хушбўй тоза гулшанларингга,
Гулми, райхонми ё ёвшанларингга,
Хурлик йўли равон-равшанларингга
Замиралар фидо этса хам жонин,
Ярашгайдур она Ўзбекистоним.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҲАРБИЙЛАР ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

1

Дунё билар қаҳрамонлар тутган ўрни,
Бир зарб билан қайтаргайдир ёвуз зўрни.
Ўғлонлари Алпомишга авлод бўлган
Ўзбегимнинг улуғ сафда бордир ўрни,
Ҳур Ватаннинг тилагани тинч-омонлик,
Мард йигитнинг ҳар қадами қаҳрамонлик.

Улғайтирар улуғларнинг сабоқлари,
Юксалтирар Ҳумо қушли маёқлари.
Онажонлар берган меҳр, муҳаббат бор,
Дахлсиздир қўрғонлари, чорбоқлари,
Ҳур Ватаннинг тилагани тинч-омонлик,
Мард йигитнинг ҳар қадами қаҳрамонлик.

Ота макон деган онлар сурур тўла,
Ўзбекистон деган жонлар ғурур тўла,
Ўзлигига, ўз ўрнига эга эл бу –
Мустақиллик ичра йўли оқ нур тўла,
Ҳур Ватаннинг тилагани тинч-омонлик,
Мард йигитнинг ҳар қадами қаҳрамонлик.

2

Алпомишлар кўкрагида олов бор,
Чорловга шай турар тулпор тўриқлар.
Ўзбекистон фасллари мафтункор,
Сарҳадларин ҳушёр мардлар қўриқлар.
Муҳаббатли юракларга Ватан бу
Чегарада сергакларга Ватан бу.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ой момодан ёғилади кумуш нур,
Оролана боғлар йўллар, йўриклар.
Элнинг озодлигин бузмас хавотир,
Истиклолни хушёр мардлар кўриклар.
Мухаббатли юракларга Ватан бу,
Чегарада сергакларга Ватан бу.

Майда тоши, хатто чўп-хаси азиз.
Сувлари кўнгилга куяр кўшиклар.
Ёмон ният бирлан ташлолмаслар из,
Сархадларни хушёр мардлар кўриклар.
Мухаббатли юракларга Ватан бу,
Чегарада сергакларга Ватан бу.

3

Мукаддас сафларда буюк кудрат бор,
Аскар кадамлари мағрурликка ёр.
Улугвор мухаббат кўкрагига жо,
Ватан деб жон фидо этишга тайёр.

Кўз ташлаб мозийнинг сатрларига,
Дил берсанг боболар хотирларига,
Айни бир хакикат бордир, хамиша
Ватан суянади ботирларига.

Аждодлардан колган бу она тупрок,
Онажоним десанг жонингда титрок.
Сархадларда сергак ўғлонлар учун
Ватан азизлиги хар недан кўпрок.

Кўз ташлаб мозийнинг сатрларига,
Дил берсанг боболар хотирларига,
Айни бир хакикат бордир, хамиша
Ватан суянади ботирларига.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Пешонаси мукаддас туғилсанг гар,
Синоатлар топарсан тикилсанг гар,
Жон-жахони какшайди йикилсанг гар,
Кўзимизнинг гавхари ул Ўзбекистон,
Кўнглимизнинг сарваридур Ўзбекистон.

Ўтмишлардан, кечмишлардан хотир гул у,
Довуллардан омон чиккан ботир гул у,
Кучоклари конталаш бир атиргул у,
Кўзимизнинг гавхари ул Ўзбекистон,
Кўнглимизнинг сарваридур Ўзбекистон.

Шажараси ўзига бек салафлардан,
Иззат топган халол шону шарафлардан,
Соғинч келар Хироту Хинд тарафлардан,
Кўзимизнинг гавхари ул Ўзбекистон,
Кўнглимизнинг сарваридур Ўзбекистон.

Жони унинг хакикатга, хакка ўлпон,
Сирти сокин туб-тубида яшар тўфон,
Шархларини ёруг тонгга ёяр Чўлпон,
Кўзимизнинг гавхари ул Ўзбекистон,
Кўнглимизнинг сарваридур Ўзбекистон.

Тупроғига эгилган жон ғайрат топар,
Яшилланган, тиллоланган жаннат топар,
Аршдан бокиб малоиклар хайрат топар,
Кўзимизнинг гавхари ул Ўзбекистон,
Кўнглимизнинг сарваридур Ўзбекистон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўпиб кийдик оппок яктак хам дўппини.
Бермагаймиз ётга хатто бир чўпини.
Сизлаб суйиб кўтарармиз бор юкини.
Кўзимизнинг гавхари ул Ўзбекистон.
Кўнглимизнинг сарваридур Ўзбекистон.

Ватан дермиз кулбасию кўшкини биз.
Яшнатармиз чиройини, кўркини биз.
Фарзандлурмиз асрай олсак эркини биз.
Кўзимизнинг гавхари ул Ўзбекистон.
Кўнглимизнинг сарваридур Ўзбекистон.

## "ВАТАНГА ҚАСАМЁД" ҲАЙКАЛИ ПОЙИДАГИ ЎЙЛАР

Бу ердан бепарво кетолмайсан, жон,
Кўнгилга зам-зам сув куйилар гўё.
Тозариб юксала бошлайсан шу он.
Қуёшдек ёнасан, сочасан зиё.

Шашмаком катидан таралар куйлар,
Англайсан маскании жаннатий хилкат.
Кафтингда кўринар ўзбакий уйлар.
Дунёнинг жавхари Ватандир факат.

Ўлади хавойи хисларнинг бари,
Мўъжизавий кудрат багрингни кучар.
Юрасан ишк сари, садокат сари.
Лабингдан фарзандлик касами учар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сайёхликдан кайтган куним,
Лабларимдан
Энг аввали шукур деган бир сўз учди.
Танидимми,
Ўтиб ўнгу чапларимдан
Эрка шамол омонлашиб, суйиб кучди.
Яйраб кетди кошу кўзим,
Дилу жоним,
Ахир бу ўз еримдаги
Ўз шамолим.

Учиб кўшиб ўйнаётган барглар –
гўзал.
Боксам.
Ракси халос этар чарчоғимдан.
Ҳозир фарксиз
Яшилми у ва ё зархал,
Мухимми у,
Ўз дарахтим, ўз боғимдан.
Излар босдим –
Бу ўзимнинг тупрокларим,
Ўйнаётган
Бу ўзимнинг япрокларим.

Қулогимга наво келар,
Гўликаман,
Янграётган ўз оҳангим,
Ўз куйим-ку.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Юрган сари
Ўт меҳрга йўликаман,
Чироклари ёниб турган ўз уйим-ку!
Ўз эшигим!
Ўз устуним!
Ўз синчларим!
Жилмаяман,
Юзим ювар соғинчларим...

## УНУТМАСАК ЎЗЛИГИМИЗНИ...

Ардоклаб, яшасак ўзлигимизни.
Улуглардан колган излигимизни.
Камситган ким экан, сесканган кўриб,
Ёв келса  титрамас тизлигимизни.

Офтоб ошнамиздир, йўлимиз нурлик.
Тупрок онамиздир, кўлимиз гуллик.
Ишонган боламиз Озодлик, Ҳурлик.
Ардоклаб яшасак ўзлигимизни.

Садокат биздандир, Муҳаббат биздан,
Ишк ўргилиб яшар кунларимиздан,
Ўзбек деб ўпарлар унларимиздан.
Ардоклаб яшасак  ўзлигимизни.

Даштга дарахт тутган яшил нафасмиз,
Бек боласи бекмиз. Кўнга ҳавасмиз.
Қарғалар киш деса калтирамасмиз,
Ардоклаб яшасак  ўзлигимизни.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҳикмат топдик ўтган кунлар сабоғидан,
Зиёлашдик боболарнинг чироғидан.
Ўзига бек халқ бўлишга ҳаддимиз кўп,
Англасинлар юксалган юрт байроғидан.
Шу муқаддас тупроқ азиз, осмон азиз,
Ватан ичра инсон азиз, инсон азиз.

Тонг бағрида тоза нияг кезар доим,
Олам уйин яхшиликлар безар доим.
Ўзлигини таниганни дунё танир,
Бўлинмасдан бирлашган эл ўзар доим.
Шу муқаддас тупроқ азиз, осмон азиз,
Ватан ичра инсон азиз, инсон азиз.

Шодлиги не бор, халқимиз ҳур деган сўздек,
Тотли не бор, ҳалол келган ризқу рўздек.
Улуғ йўлда адашмаган карвон бўлди
Садоқатли сарбонини топган ўзбек.
Шу муқаддас тупроқ азиз, осмон азиз,
Ватан ичра инсон азиз, инсон азиз.

Фарзандимиз биздардан-да бахтли бўлар,
Тафаккури тиник бўлар, ақлли бўлар.
Унга обод, озод Ватан қолар биздан,
Айтар сўзи бутун бўлар, тахтли бўлар.
Шу муқаддас тупроқ азиз, осмон азиз,
Ватан ичра инсон азиз, инсон азиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЖИЛМАЙГАНИМ ВАТАНИМ

Сени жонда асраганнинг
Кўнгли ёруғ, қалби улуғ.
Сен деб қадам ташлаганнинг
Бошида туғ, зарби улуғ.
Ҳажрингда сўз бошлаганнинг
Соғинчи чўғ, дарди улуғ,
Гул ёзиниб жилмайганим,
Жону таним, сен Ватаним.

Отам юрар оқ яктакда.
Ўзбегимнинг аъло урфи.
Ўрим-ўрим жамалакда
Сингилчамнинг қаро зулфи.
Чорласанг бас – ҳар юракда
Очилгайдир кўнгил қулфи.
Гул ёзиниб жилмайганим,
Жону таним, сен Ватаним.

Кўкламингга ярашгайдир
Қирлардаги қизил лоланг.
Элингга ризқ улашгайдир
Уфққача ёйган даланг.
Кузакда тўй-тўйлашгайдир
Ошлар дамлаб деҳқон боланг.
Гул ёзиниб жилмайганим,
Жону таним, сен Ватаним.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Осмонинг тинч, бирам мовий,
Ҳилолинг хуш, куёшинг чўғ.
Озодлигинг умри бокий,
Таърифингга етар сўз йўк.
Фарёд, додинг энди мозий,
Ортга кайтмас, кўнгиллар тўк.
Гул ёпиниб жилмайганим,
Жону таним, сен Ватаним.

* * *

Олтинкўлнинг оккушу ғозига бойланди дил.
Ёрнинг киё бокиши, нозига бойланди дил.

Сулув юзда кулдиргич, сехрлагич, суйдиргич,
Оловлари куйдиргич ёзига бойланди дил.

Зор этар хабар, хати, соғинтирар сухбати,
Ишк оламин шафкати озига бойланди дил.

Ингичка бел, нижа таъб, девона килди, ё раб!
Асал тили акик лаб розига бойланди дил.

Замиранинг дарди минг, Кўксидаги зарби минг,
Оккушли Олтинкўлнинг созига бойланди дил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Юзлари шабнамда ювилган Ватан,
Калбидан кайғулар кувилган Ватан.
Дахоларин довругига давомчи,
Авлодлари севган, севилган Ватан.
Мехримиз йўлингга чирок кил, Ватан,
Буюк, мукаддассан, мустакил Ватан.

Фидойилар йўллари хуш, онажон,
Сен деганда ёнаверар, ёнар жон,
Мадхинг янграб байрогингни ўпса ким,
Юракларни тўлдиради хаяжон.
Яхшилардан дўсту ўрток кил, Ватан,
Буюк, мукаддассан, мустакил Ватан.

Ражабийнинг мумтоз куйин чалармиз,
Мардинг бўлиб майдонга от солармиз.
Кўлларингга тикон кирса ногахон,
Зирапчангни киприк билан олармиз.
Келажак шонингни бизда бил, Ватан.
Буюк, мукаддассан, мустакил Ватан.

Замиралар ардоклаган хур сўздек,
Муножоти мангулик каро кўздек.
Улугликлар айвонига ярашди,
Ассалому алайкум, дея ўзбек.
Таърифинг энг мағрур сўзда кил, Ватан,
Буюк, мукаддассан, мустакил Ватан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# МЕНИНГ ЭЛИМ

Юзи истарали, кийими одми,
Кўнгли мухаббатли шу эл меники.
Андиша рохларин суяр кадами,
Қўли муруввватли шу эл меники.

Олам деб англаган кичик кишлоғин,
Ўчирмай яшайди ота чироғин.
Ойсулуви тикиб берган белбоғин
Севган саодатли шу эл меники.

Кетмондан бинодир ризкин чиройи,
Шамолда шовуллаб ўсар буғдойи.
Даласи куёшнинг суйган саройи,
Багри барокатли шу эл меники.

Орзусин сафласа сигмас осмонга,
Дил ёзса ўхшаниб кетар найсонга.
Мушкулни кўп кўрган, чопмас осонга.
Сабр-каноатли шу эл меники.

Тафаккури тиник акли орифим.
Сездим, танидингиз тинглаб таърифин.
Ҳа, тўғри топдингиз исми шарифин.
Улуғ ўзбек оғли шу эл меники.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОЛТИНКЎЛИМСАН

Буюк Ипак йўлида кўш киргогим,
Ойга етар олтин берар тупрогим.
Олтинкўл деб аташмай от кўйишлар.
Нoз-неьмати зиёда бир чорбогим.
Тангри тутган насибаси мўлимсан,
Йўли ойдин, менинг Олтинкўлимсан.

Сулувларинг кулча юзи ширмойи,
Қўш белбоғли йигитларинг шайдойи.
Гўй-гўйлашни хуш кўрасан, сен ахир
Мамлакатнинг юз бойидан бир бойи.
Тангри тутган насибаси мўлимсан,
Йўли ойдин, менинг Олтинкўлимсан.

Кўкламинг бор, хамалда дўл, селинг бор.
Лекин хар куз кўкрак керар феълинг бор.
Курашларда кураги ер кўрмаган
Пахлавонлар берган улуг элинг бор.
Тангри тутган насибаси мўлимсан,
Йўли ойдин, менинг Олтинкўлимсан.

Сен ям-яшил оламим, хуш масканим,
Бешик имга кўзмунчоклар осганим.
Сендан сулув, гўзал гўша йўк менга,
Гарду хокин тавоф деб лаб босганим.
Тангри тутган насибаси мўлимсан,
Йўли ойдин, менинг Олтинкўлимсан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1

Истеъдодли болалари кўп,
Манглайидан ўнар Андижон.
Кўзларига тушмасин деб чўн,
Дуога кўл очар Андижон.

Сирлар ичра силкиниб яшар,
Гох Ҳотам, гох Хизрга ўхшар,
Шовуллаган ариқларига
Олмаларин тўкар Андижон.

Камтар она, камсукум она,
Беминнату безуғум она.
Буюкларин хар ёнга йўллаб,
Соғинса дард чекар Андижон.

Дўстлашади куёшлар билан,
Сўйлашади кўз ёшлар билан.
Илик-иссик саломлар келса,
Чорсига нон тугар Андижон.

Болалари бол ялаган бой,
Ковушларин киймас пойма-пой.
Зуволаси ишкка қорилган
Боши кўкка тегар Андижон.

2

Ўт сўздир у минг йиллик хатда,
Насибаси чин барокатда..
Ҳурлик топган хур мамлакатда,
Андижон бу, Андижондир бу.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Боғишамол сирларга паноҳ,
Бобур ётган хуш зиёратгоҳ.
Гоҳ жилмаяр, йиглаб олар гоҳ,
Андижон бу, Андижондур бу.

Қатор терак барглари дафтар,
Ўқиб Хўтан ариғи айтар.
Чўлпон деса жаранглаб кетар,
Андижон бу, Андижондир бу.

Зангор кўприк зеб Куйганёрда,
Зангор кўшик куйлар баҳорда.
Юрагида ошиклик бор-да,
Андижон бу, Андижондур бу.

Йўлакларин безайди райҳон,
Ёпгани нон, кутгани меҳмон.
Гўдагин ҳам сиз-сизлаган жон,
Андижон бу, Андижондур бу.

Ўзи кадим, каримас сира,
Туғилади хар тонг бокира.
Онам деб бош кўйса Замира,
Андижон бу, Андижондр бу.

3

Юртлар кездим, нигоҳларимни,
Баланд тоғдай бинолар ютди.
Ҳар не кўрдим, кўрмадим фақат,
Андижондай дилором юртни.

Сочпопугим кафтида колган,
Болалигим – у хошлик даврон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Вужудим ўт тафтидан олган,
Юрагимга жодир Андижон.

Тор кўчалар тупроқларини,
Унутолмас товоним ҳамон.
Тунлар руҳим чироқларини,
Ёндириши ростдир Андижон.

Мен шеър излаб келгандим Шошга,
Ё Раб, дарвеш умрим тўла сир.
Илҳомларим шиб кўз ёшга,
Андижондан келар барибир.

4

Сочпопуклар тилаб қадрдон толдан,
Жужук набирамга кокил ўраман.
Саломлар тераман Боғишамолдан,
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Отам ётган тупроқ – хокида ишқим,
Онам тутган игна чокида ишқим,
Матога ранг сепган мокида ишқим,
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Шох Бобурни йиғлаб кузатганимсан,
Ойимни Кўконга узатганимсан.
Соғинч қийнаганда тош қотганимсан,
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Дардинг айтганмидинг Дукчи эшонга,
Жон тикди хақ дея бир кўзи олонга.
Ҳур кунлар келмади бизга осонга,
Андижон, мен сени яхши кўраман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қон сизган кунларинг бугун бир тарих,
Сўзлагич Сайфиддин хожи муаррих.
Қайта яшилландинг эй бағри сориг,
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Завжасини сизлаб гапирса эрлар,
"Сиз андижонликсиз англадим", дерлар.
Райҳон йўлагинига сочилган шеърлар,
Андижон, мен сени яхши кўраман.

"Дўппидек бу шахар танилди бир кур",
Деб вайсашса ёлгон.
Сен азал машҳур.
Кечмишинг вараклаб кўрсинлар бир кур,
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Нетай, кичик жоним танга сиғмайди,
Тўзган хаёлларим ўзин йиғмайди.
Яранг боғлаб туриб кўзим йиғлайди,
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Шарифинг Турсуной Содикка тумор,
Оқ рўмоли бошини ўраб турган ор,
Сўз айтса, бойчечак тугар кишда кор,
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Бу аёл, бу заиф дема мени хам,
Тўмарис момомдир. Ойбарчин онам.
Фарзандларим фозилу ўктам,
Андижон, мен сени яхши кўраман.

Гул уруг саралаб борар ёш-каринг,
Улар мухаббатинг, топган ганж, заринг.
Турар майдонда тик Замираларинг,
Андижон, мен сени яхши кўраман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТУПРОҚ

Туғилган чоғ илк йиғимни қучган тупроқ,
Ўйнаб чопсам зарра-зарра учган тупроқ.
Қисмат сели катқалоқлар бостирганда,
Ағдарилиб қатлам-қатлам кўчган тупроқ.

Ҳар кўнгилнинг ўз гўшаси бўлар ахир,
Ёт гўшада яйрамагай хеч бир бағир.
Ким адашган, ким алдашган дунёдир бу,
Кетган бору лек йўқ сендан кечган, тупроқ.

Сен отамнинг кетмонига илашган ризқ,
Юрагига, жон-жонига ярашган ризқ.
Тонгда юлдуз сўнмай чорик кийдирган сен,
Шомда юлдуз кўриб чорик ечган тупроқ.

Онам десам тўлиққаним, азизим сен,
Суйиб, сизлаб тонган ўғлим, ҳам қизим сен.
Соғинчларинг ўртаб қайтсам сафарлардан,
Омонлашиб кўз ёшимни ичган тупроқ.

Билганим шу – бойлигим йўқ сендан ортиқ.
Сени менга Тангри ўзи этган тортиқ.
Сен боримсан – Ўзбекистон деган ВАТАН,
Мен борингман – сочилмассан хеч ҳам, тупроқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТИНЧЛИККА НИМА ЕТСИН

Тонгми, шомми – ҳар дамда
Дилдан ғанимлик кетсин.
Гул яраштан Ватанда
Тинчликка нима етсин.
Шовуллайди буғдойзор,
Сукмоклар гирди гулзор,
Кимга ёкибди озор,
Тинчликка нима етсин.
Фарклаб пучни, сарани,
Дўст бўл, дўстингни тани,
Шеър кани, кўшик кани,
Тинчликка нима етсин.
Дил чироғи – тараҳҳум,
Юз чиройи – табассум.
Яйрагин, каро кўзим,
Тинчликка нима етсин.
Нурга йўғрилган олам,
Бахт деб туғилган одам:
Ҳакикат зўр руёдан –
Тинчликка нима етсин.
Гаразликнинг йўлини тўс,
Нониm бор, кел, берай, дўст.
Билмасанг, билдирай, дўст,
Тинчликка нима етсин.
Иттифокнинг кучи шунда,
Савоб – жаннатга чипта.
Ўзбекнинг гапи битта:
Тинчликка нима етсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Осмон мусаффо-тозадур, учгани оккуш элим,
Мустакиллик ичра хеч бўлмагай хомуш элим.
Орзу-истакдин бино кун гўзал, кунлар гўзал,
Кўнгил озод хуш, элим, бу – обод турмуш, элим.

Хаволар мушку анбар, жамбилу ялпиз билан,
Шахд ила тушгай одим гул ёпинган из билан.
Садокат хам биз билан, мухаббат ҳам биз билан,
Кўнгил озод хуш, элим, бу – обод турмуш, элим.

Адолат зафар топса, аламлар бари барбод,
Бу йўлда фидоларнинг айланурлар рухи шод,
Гул бўлур, гулзор бўлур, ўзбегим топган ҳаёт,
Кўнгил озод хуш, элим, бу – обод турмуш элим.

Яхшилик хусни сийрат, яхшилик дилга зийнат,
Юраклар олий химмат, мулкидир ҳунар санъат,
Ўзбекистоннинг эгиз исмидир бугун жаннат,
Кўнгил озод хуш, элим, бу – обод турмуш, элим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЯНГИ ЙИЛИМ

Орзуга бой, хотамтой, янги йилим,
Келишларинг юртга чирой, янги йилим.
Ярашигинг бўлиб корлар ёғиб турса,
Диллар оклик тўлган сарой, янги йилим.

Ватан бизга Каъба янглиг табаракдур,
Тинч оила, обод турмуш муборакдур.
Не тонгким, хак ёзмиш бизга буюк такдир,
Кўкимизда куёшу ой, янги йилим.

Сендан элчи бўлиб келди яшил арча,
Ял-ял ёнди болажонлар кўшик айтса.
Саодатнинг шархи бунда хамма нарса,
Хохишларинг шу хойнахой, янги йилим.

Ташрифингга арзийдиган тухфамиз мўл,
Бороримиз улуғ манзил, эрк очган йўл.
Музаффарлик хисларидан хайратлан, тўл,
Ўзбек элни чўмичи мой, янги йилим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Юрагимнинг гулларин сенга тутай,
Гардларингни авайлаб артиб ўтай.
Меҳринг кўриб меҳрибон бўлиб ўсдим,
Йўлларингда жонимни фидо этай.

Улуғимсан рафтори, рухсори хуш,
Илдизлари бақувват чинори хуш,
Муқаддаслик, буюклик сифат сенга.
Чаманимсан ғунчаси, ифори хуш.

Варақласам шажарамда пирлар кўп,
Калити ишқ бўлган сеҳр, сирлар кўп.
Асотирлар агар сафга тизилса,
Майдонингда ботирлар, жасурлар кўп.

Ардоқлаги озодлигинг исми – мен,
Омонликда ободлигинг ҳусни мен,
Довруғингнинг давомчиси ўзимман,
Жонда асрай Ватан деган ҳисни мен.

Дилимсан-ку, оҳ, десанг тенг айтайин,
Малҳам бўлай муҳаббатли байтдайин,
Сенга фарзанд бўлишнинг ўзи бир бахт,
Қутлуғ қадим боғларинг кенгайтайин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# Муҳаббатга ёр дамлар

* * *

Бунча узок колди тахтда айрилик.
Тигу тиконлари оғриги узун.
Шодлик деганлари бокмас кайрилиб,
Мени ёлғизлатиб кўйманг, азизим.

Маккора хижронлар кўзида мазах.
Сабрлар сарғайиб борар бензи.
Жимликка сингиган видолар – дўзах.
Ёлғизлатиб кўйманг мени, азизим.

Дилдошсиз кўнгилни эгаллаб бир-бир,
Кайғу лашкарлари тикади кўзин.
Дардлар кул килади, аламлар асир,
Ёлғизлатиб кўйманг мени, азизим.

Кўнгил деворида соғинчнинг накши,
Овутиб чарчадим ўзимни ўзим.
Ёлғизлик худонинг ўзига яхши.
Мени ёлғизлатиб кўйманг, азизим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Менинг излаганим сен эдинг, ахир,
Истадим – кўнглингга чиқсайдим эга.
Фақат ўтинчимга очмадинг бағир,
Сенинг излаганинг бўлмадим нега?!

Яйрасам жамолинг кўриб яйрадим,
Йиғласам кўз ёшим оқди сен учун.
Сенга томон юрдим юрсам бир одим,
Зориқиб кутганинг бўлмадим нечун?!

Билмадим аламнинг йўқмиди чеки,
Қочиб қутулгани ҳатто ўлмадим.
Чеҳрангдир йўлимда йўлиқса неки,
Айт, нега йўлдошинг бўлмадим?!

[illegible]рё истагансанми, мана қароғим,
Гулзорми? Севгимдан яралар минг-минг,
Тахланиб осмонга етди сўроғим,
Айт, нега бўлмадим сенинг севганинг?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бунча баланд осмон бўлдинг, севгилим,
Ёмгиру корлари беаёв осмон.
Кара, очилмади ўндан бир гулим,
Озорларинг росту шафкатинг ёлгон.

Бироз офтоб бергин.
Қахрингни хайда.
Сочимга ёнишди сен ёгдирган кор.
Адашдим, саодат манзили кайда,
Кайда хаётимни топмаган бахор?

Авраб холдан тойди, чарчади сабр,
Озгинлаб тугашга етди снёги.
Сен билмайсан чоги осмонлик надир,
Мухаббат нимадир – билмайсан чоги...

* * *

Мени тушунади кўклам,
Саратон хам тушунар таниб.
Учган сарик дардларим тўплаб,
Тушунади куз хам ўртаниб.

Изгирини, корлари билан
Етиб келар аёз беолкиш.
Юрагимнинг зорлари билан
Омонлаша бошлар боякиш.

Тўрт фаслни хайрон каратиб,
Яна ёлгиз... Яна гарибман...
Сизни хаёлимда яратиб,
Хаёлотим ичра юрибман...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДУНЁНИ ЎРАГИМ КЕЛДИ...

Кўз очдим, юзимни силар субҳидам.
Тикилсам, тўрт тараф тўлмиш сеҳрга.
Гулкосалар қуйди лабимга шабнам,
Дунёни ўрагим келди меҳрга.

Кўнглим-ай, кечаги дардларни қўйгин.
Тебрангин, энг гўзал ўйларга чўмгин.
Бу фурсат... ҳаммани тенг севиш мумкин,
Дунёни ўрагим келди меҳрга.

Ким риё узатди, ким оғрик... Бас, бас,
Сени ҳамал суйсин, аёзлар эмас.
Мўъжиза дайридан эшитилар сас,
Дунёни ўрагим келди меҳрга...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сехр бер – Буюк сўз, Буюк муҳаббат,
Ўзимни бахш этдим сенга мен.
Узун тунларимдан қувгиндир ғафлат,
Бедор гулханларга сиғамен.

Юлдузлар термила-термила сўнар,
Овозсиз йиғимни англаб отар тонг.
Йиғимга урилиб кетар минг ҳунар,
Йиғимга урилиб яраклайди онг.

Сеҳрингни танимай "ишқ, севги..." деган
Шовкинлар ичида йўқсан, Муҳаббат.
Арзон розга чилаб бошингни еган
Соткинлар ичида йўқсан, Муҳаббат.

Жонимга лаззатли оғриқ сўрадим,
Умримнинг чиройи бўлсин ёниқлик.
Муҳаббатни таниш нима, ўргандим,
Сени танишлик, бу – жон ўртанишлик...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Меҳрингизни саодат деб суйиб яшар,
Қаҳрингизни эркаликка йўйиб яшар.
Қиркта жони бор десангиз, қирковин ҳам,
Пирим дея пойингизга қўйиб яшар.
Ёлгон ёрлар айланмасин уйингизда,
Аёлингиз омон бўлсин уйингизда.

Уй-жойига бахш этар бор илҳомини,
Кўрганмисиз эккан жамбил-райҳонини.
Куймаланиб тансиқ таом билан кутар,
Ковоғидан қорлар ёккан султонини.
Ўзга ёрга чалгимасин хаёлингиз,
Омон бўлсин уйингизда аёлингиз.

Фарзандларин оқ ювиб, оқ тарайди у,
Сизга ўхшаш чиройидан яйрайди у.
Рўзғорининг баланд-пастин ошкор этмай,
Шаънингизни муҳаббатга ўрайди у.
Ишқу имон ҳамиша сиз томон бўлсин,
Уйингизда аёлингиз омон бўлсин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёра деб гул экдиму, гул ранги сомон бўлди.
Интизорлик чекдиму, дил занги ёмон бўлди.

Рахми йўк панохимнинг, билмадим гунохим не?
Етган жойи охимнинг булутли осмон бўлди.

Гулшаним бор, ул ёр йўк, нома тутган нахор йўк,
Юрагимни чаккан чўғ кўзимда найсон бўлди.

Лахзалар талхми, тахир, васли ором йўк ахир,
Йўллари дашту такир, севгилар сарсон бўлди.

Дард этиб кўнгил уйин, ким чалар кайғу куйин,
Билмадим, менга кийин, ул ёрга осон бўлди.

* * *

Нега, – дейман, – нима учун? Энди нетай?
Сиғдиролмас кунлар кўнглим саволини.
Хиёнатнинг гўнин кийган дунё қандай
Кўтаради мухаббатнинг уволини.

Тиғи баланд гумонларим ўтар тилиб,
Тун тортолмас ёлгонларнинг малолини.
Гунохларга ботган дунё қандок килиб
Кўтаради мухаббатнинг уволини.

Окиб ўтар сувлар билан канча рўё,
Аямайди арикларнинг зилолини.
Бу пойма-пой ковуш кийган полон дунё

www.ziyouz.com kutubxonasi

## КЕЛ, КЕЛСАНГ-ЧИ, СЕВГИЛИМ

Юлдузлар кўп, ой тўлин,
Нур ўпади боғ йўлин.
Васлингни соғинтирган –
Кеча сулув, тун сўлим.
Дарё бўлди бу дилим,
Қайдасан, кел, севгилим?

Сенда кўнглим йўқ дема,
Араз нима, кек нима...
Хаёлимда ой юзинг
Орзуланиб боқдима.
Дарё бўлди бу дилим,
Кел, қайдасан, севгилим?

Гулда хуснингни кўрдим,
Шеърда исмингни кўрдим.
Сулув туннинг бағрида
Севгидан сармаст юрдим.
Дарё бўлди бу дилим,
Кел, қайдасан, севгилим?



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кунларимни қийнаб қўйди саволлар,
Боғи баланд кўнглингизга ёрманми?
Элитганда ойдин-ойдин хаёллар,
Кўзларингиз қорасида борманми?
Боғи баланд кўнглингизга ёрманми?

Севги созин синоат, сехри кучли,
Соғинганда илинган мехри кучли.
Дил деворга ўйилган мухри кучли,
Кўзларингиз қорасида борманми?
Боғи баланд кўнглингизга ёрманми?

Қуёш ўтни ошиқ дилдан қарз олар,
Қуйлаганда сандувочлар дарс олар,
Мухаббатдан гурури кетган лахзалар,
Кўзларингиз қорасида борманми?
Боғи баланд кўнглингизга ёрманми?

Ишк дайрида ким олгир, ким ногавон,
Қай дил орзу, қай дил аламу армон,
Қаландардан кўшик етса ногахон,
Кўзларингиз қорасида борманми?
Боғи баланд кўнглингизга ёрманми?

Бахт бойласин йигитниям, қизниям,
Чин дил айтсин севдим деган сўзниям.
Кўзларимдан хеч кетмайсиз, сизниям
Кўзларингиз қорасида борманми?
Боғи баланд кўнглингизга ёрманми?



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУҲАББАТНИНГ ШАМЛАРИ ЎЧМАС

Дўстим донишмандим, эсингда турсин,
Ошиқлик кўнгилдан кўнгилга кўчмас.
Селу жала куйсин, довул ўкирсин.
Мухаббатнинг шамлари ўчмас.

Гувохдир кояга тўш урган бургут,
Гувох чумолилар тишлаган умид.
Айтсин атиргулдан келган хушбўй ҳид,
Мухаббатнинг шамлари ўчмас.

Фарход тош сурганда чиккан булок у,
Ширин кўзларида ёнган чирок у.
Адашган лахзалар берган сўрок у.
Мухаббатнинг шамлари ўчмас.

Ўзингни енгишга етса агар хад,
Сувратдан сулуврок яралса сийрат.
Қасам керак эмас, керакмас гилхат.
Мухаббатнинг шамлари ўчмас.

Қадр килмаганни каритади, чин,
Яхшининг зулматин аритади, чин,
Бир кун қабрингни хам ёритади, чин
Мухаббатнинг шамлари ўчмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қувончимди, қайғумиди аслида,
Ҳадя қилар ўзи нени муҳаббат?
Куйиб-куйиб куйладим ёр васлида,
Аямади сира мени, муҳаббат.

Тушларимга кираверар бир дийдор,
Тўлдиради юрагимни маҳобат.
Уйғонаман соғинчлари этиб зор,
Аямади мени сира муҳаббат.

Аямайди, ёндиради гулхани,
Интизорнинг лаҳзалари бешафқат.
Қайда ўзи бевафонинг гулшани,
Тушунмайди нега мени муҳаббат?

Бетараҳҳум қани, бағри тош қани,
Бир нигоҳи дардларимга табобат.
Қайсар дилим ёр этмайди бошқани,
Тушунмайди нега мени муҳаббат?

Ёрсиз келган баҳорларни нетаман,
Атиргулнинг аразлари катма-кат.
Кўчалардан куйиб куйлаб ўтаман,
Қаландарлар қилди мени муҳаббат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Гўзал гулзор, гулобу жом
Ҳусн Боғи Эрамларга.
Жаранг берди улуғ айём,
Шакаргуфтор ўланларга.
Муҳаббат ёр бу дамларга.

Умрларга самар инди,
Атиргулдай умид унди.
Борар манзил аниқ эрди.
Келар қувват қадамларга.
Муҳаббат ёр бу дамларга.

Саломлашди, юз очди гул.
Кўнгил топди кўнгилга йўл.
Йигитларнинг бари норғул.
Ярашди ҳур санамларга.
Муҳаббат ёр бу дамларга.

Атир сочган сабо - ҳурлик.
Саҳар қучган наво – ҳурлик.
Ҳамма дардга даво ҳурлик.
Эшик ёпгай аламларга.
Муҳаббат ёр бу дамларга.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Омад тутса бошингга офтоб,
Дилдошларга кўрсатгин хушрўй.
Адаштириб кетмасин сароб,
Ўтган кунни бир бор эслаб кўй.

Ортар лаганбардоринг чунон.
Кимга рақиб, сен кимга нишон.
Кетмай туриб келган обрў, шон,
Ўтган кунни бир бор эслаб кўй.

Қай кўлда гул, қай кўлда омбир,
Кўзларингни тўсмасин кибр,
Адо бўлмай сарғайган сабр,
Ўтган кунни бир бор эслаб кўй.

Дилозорга Ҳақ ўзи гувоҳ,
Қайтим берар озору гуноҳ,
Кулфат етиб келмай баногоҳ,
Ўтган кунни бир бор эслаб кўй.

Чин дўст қадри йиқилмай туриб,
Иззат чокинг сўкилмай туриб,
Гул-япроғинг тўкилмай туриб,
Ўтган кунни бир бор эслаб кўй.

Фарқлаб буғдой, арпа, тарикни,
Суянчим де тоза борликни.
Унутмагин эски чорикни,
Ўтган кунни бир бор эслаб кўй.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дарёдил онамнинг меҳридан масрур,
Кунлари бегубор – гўзал болалик.
Соғинсам – кўнглимга кириб келар нур,
Ўйласам – ўйларим гулу лолалик.

...Онам ўриб қўйган сочим бир қарич,
Учига боғланган попуклари оқ.
Далам олиб берган қовушчам ғарч-ғурч,
Қувончимга шерик латта қўғирчоқ.

Қушлар қанотига осилиб учган
Нигоҳимда гўзал орзу бор эди.
Ариқ сувларидан ховучлаб ичган
Онларим шу қадар бахтиёр эди.

Ўша бахтиёрлик тотини бугун
Соғинаман, излаб топмайман фақат.
Орзиқиб қўмсайман (дилда минг тугун),
Қайдасан, болалик – беғубор хилқат...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Гуллаган ўрикзор – муҳаббат боғи. .
Нега тушларимга кириб имлайсан.
Кеч кузга етгунча йўлнинг чарчоғи
Жондан түйдирганин билмайсан.

Гуллаган ўрикзор – муҳаббат боғи...
Изларим омонми кучокларингда.
Хуш бўйингда борми кўнглим ардоғи,
Исмим тебранарми титрокларингда.

Гуллаган ўрикзор – муҳаббат боғи...
Кўзимдаги дийдор эгаси кани.
Дилида ёнганми икбол чироғи,
Арзирми севгидан кечиб топгани.

Гуллаган ўрикзор – муҳаббат боғи...
У ҳам йиғлайдими ёлғиз колган найт.
Сувратим асрарми кўзин кароғи,
Соғинчида борми биз ёдлаган байт.

Гуллаган ўрикзор – муҳаббат боғи...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мен зерикдим рухий ранжлар йўкларидан.
Тўйдим кўнглим жарга кулаб йиғларидан.
Билармисиз зерикишим, тўйишларим,
Тилингизнинг тиғларидан, тиғларидан.

Оғриқларим томирдами ё тандалар.
Кетиб бўлди лабимдаги бор хандалар.
Кучсизлигим тан олди-я газандалар.
Тилингизнинг тиғларидан, тиғларидан.

Умид эди санчадайин узилганим.
Тўртта гулим тўртта хайрон тизилганим.
Аскотмади шоир бўлиб сўз билганим,
Тилингизнинг тиғларидан, тиғларидан.

Кўклам нима, келиб бўлди менинг кузим,
Пушаймоним бўйнимдаги сарик чизим.
Дарахтларим дардкаш бўлиб тилар тўзим.
Тилингизнинг тиғларидан, тиғларидан.

Кетай десам атроф гавжум... орим турар,
Қолай десам адо сабрим – зорим турар.
Кун-кун сари кўксимда муз, корим турар.
Тилингизнинг тиғларидан, тиғларидан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Рухсорини рўмолида тўсган киз.
Иффат, ибо саройида ўсган киз.
Дардларимни сизга кандок етказай,
Дил боғимда сарин елдай эсган киз.
Рухсорини рўмолида тўсган киз.

Сизмидингиз шох Машрабнинг бўстони,
Сиз хакдами Жахон Отин чистони?
Бошим кўйсам кўнармикин остона.
Рухсорини рўмолида тўсган киз.
Иффатбегим саройида ўсган киз.

Хуснингизга юлдузлар ошик чоги,
Кўз ёшига тўлибди гул япроғи.
Йиглатса не мени хам хижрон доги,
Рухсорини рўмолида тўсган киз.
Иффатбегим саройида ўсган киз.

Билмам качон хаёлимни олдингиз.
Юрагимга бека бўлиб колдингиз.
Ўзбекойим бўлса керак отингиз.
Рухсорини рўмолида тўсган киз.
Иффатбегим саройида ўсган киз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўнгилни бой этар севгининг дарди,
Кўзни чароғ этар йўлларин гарди.
Элнинг момолари бир сўз айтдилар:
Ҳар сулувни севсин йигитнинг марди.

Умр деворини номус, ор тиклар,
Дилга не юкласа садоқат юклар.
Ишқ бобида айтиб кетди буюклар.
Ҳар сулувни севсин йигитнинг марди.

Яхлит чаман эрур ошиққа очун,
Қизғонмай жон тутар бир изҳор учун.
Нигорон нигоҳлар сўзлаб турар чин.
Ҳар сулувни севсин йигитнинг марди.

Эй кўзлари хумор, эй офтобжамол,
Толеингга тотин берсин десанг бол.
Муҳаббати бугун дилни таниб ол.
Ҳар сулувни севсин йигитнинг марди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сизсиз дилда йўк ёғдулар.
Тушунмайди тош – паркулар.
Ўт томчили киприкларга
Илинмайди хеч уйкулар.

Иғво, ғийбат дунёлари
Гавжумлашар кун-кун сари.
Сарғайган ул хазон – бари
Сиз сезмаган хис-туйғулар.

Сизсиз ғурур хам ор йиғлар,
Ёғиб сочларга кор, йиғлар,
Қилар ишини килиб э... вох...
Ўзи хайрона жодулар.

Сизсиз гуллар барги тўзғин,
Овоз берган кушми, кузғун.
Ёлғизликнинг дарди ўзгин,
Жонни кучғай минг кўркувлар.

Кўнгил сизсиз онни нетсин,
Қайси сахро, даштга кетсин.
Узун-узун тушларини
Окизмайди хатто сувлар.

Ё Раб, йўллар тўлар чохга,
Осмон тўлар дуду охга,
Бу айрилик, бу гунохга
Ким айтади тазаррулар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Нури нафис хилолим,
Васлингиз уй-хаёлим.
Сахройи ташнадилман,
Сиз чашман зилолим.

Иформиди йўлингиз,
Оловмиди дилингиз.
Асалмиди, қандмиди,
Бегим деган тилингиз.

Кўзларингиз қаро чўғ,
Кипригингиз найза – ўқ.
Бу оламда мен учун
Сиздан сулув санам йўқ.

Севги деган сўз учун,
Толе тутар роз учун.
Жоним тутай, нигорим,
Бегим деган ноз учун.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Офтобжамол қошин камонман,
Кимга орзу, кимга армонман.
Аскар йигит розн дил айтса,
Оловланган моҳитобонман.

Аскар йигит, мағрур қад йигит.
Алпомишдай жасур, мард йигит.
Ойбарчиним десангиз мени,
Тутай ишқу садоқат, йигит.

Эл осуда, осмон беғубор,
Унинг сиздек посбони хушёр.
Сиз деганда ифтихор билан,
Куйлайдиган қўшиқларим бор.

Қокиллари жон риштангиз мен,
Парвонангиз, сариштангиз мен.
Сизга бир кун генераллнкни
Тилаб юрган фариштангиз мен.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**САДОҒА**

*Қўшиқ*

Сиз деганда дилу жоним чўғланур,
Рухсорингиз ҳар лаҳза бир йўкланур,
Қадингизни кизғонибми, кирк ўрим
Кокилингиз белингизга чулғанур.
Фидойиман севдим деган садога,
Жон-жаҳоним пойингиза садоға.

Ҳуснингизга на киёс бор, на тимсол,
Офтобойим очиб берар бунда фол,
Чеккангизга чирой тутса агар гул,
Толбаргаклар такиб кўяр мажнунтол.
Фидойиман севдим деган садога,
Жон-жаҳоним пойингиза садоға.

Хаёлимда сарин елдай эсган сиз,
Ой юзини оппок рўмол тўсган киз,
Мен ошикка бир боксангиз, на килар,
Иффат ичра, ибо ичра ўсган киз.
Фидойиман севдим деган садога,
Жон-жаҳоним пойингиза садога.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сулувга гул, гулларга тароват ярашгайдур.
Йигитларга мардлигу салобат ярашгайдур.

Ўсмалар кўяр санам, кайрилма кош килкалам,
Кўзгу бағрига бу дам малохат ярашгайдур.

Хижрон жонларга жафо, ўтар кунлар бесафо,
Севган кўнгилга вафо, садокат ярашгайдур.

Оккуш изхори кўлга, булбулнинг зори гулга,
Яхшилар юрган йўлга шарофат ярашгайдур.

Ошикми шамсу камар, дил рози кумуш камар,
Мухаббат ёндирса гар, харорат ярашгайдур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Юрагимга ботган нши
Бўлди энг гамгин хониш.
Ишким хатоларини
Қучоқлаб йиғлар боли ш.

Йўл қараймап сўз демай.
Йўл жим турар гам емай.
Биров билибми, билмай.
Ёнянман, куним ёниш.

Хабарчи қуш келмайди.
Кутганимни билмайди.
Хеч тушуниб бўлмайди.
Осонми ишқдан тониш.

Гарчи сўз йўқ тилимда.
Айтарим оқ гулим-да.
Нетай келмас қўлимдан.
Васлингизсиз бахт топиш



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИККИ ДУЭТ

1

ҚИЗ:

– Гул ёпишган ўрикзорлар дилга яқин,
Дунё куйчи, дунё хофиз, дунё оқин.
Оқ орзулар оққуш бўлар самоларда,
Дарёдилнинг туйғуларн тўлқин-тўлқин.

Нақорат:

Ҳурлик топган элнинг кўнгли хуррам бўлар,
Кўрганлари чаман бўлар, байрам бўлар.
Камол топдик, севилдик биз, севдик бизлар,
Юрагимиз муҳаббатга Ватан бўлар.

ЙИГИТ:

– Жонлар фидо ёр сочлари боғласа гар,
Ганитдир бизга хуш нозлари доғласа гар.
Ишқ йўлларини ою офтоб ёритгайдур,
Бахт биздадир кўнгил ўзин чоғласа гар.

ҚИЗ

– Фаслларнинг фазилати хуш рангларда,
Табассуми, тароватн бор тонгларда.
Олам гўзал ошиқларнинг нигоҳида,
Дил изҳорлар айтилади оҳангларда.

ЙИГИТ:

– Севишганлар сайр этса, йўл яйраб кетар,
Севинчидан сандувочлар сайраб кетар.
Сабо634 тапшигани мушку анбар,
Олам яна яшнаб кетар, яшнаб кетар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2

ЙИГИТ:
– Не мўъжиза рўй берди, билмам,
Ой юзингга хуморман, хумор.
Ярашади нозинг хам бирам,
Самандарман висолингга зор.

ҚИЗ:
– Ишк яшайди кўнгилда, кўзда,
Бол тўплай и лабдаги сўзда.
Нозимизни кўтарасиз-да,
Биз хуришди жахонмиз, эй ёр.

ЙИГИТ:
– Ошикликми бу ўзи, нима,
Олов тўлиб борар бағрима.
Ёнаяпман, ёнмагин дема,
Самандарман висолингга зор.

ҚИЗ:
– Сехр кўрдим нолишингизда,
Исмимиз бор хонишингизда.
Айланайин ёнишингиздан,
Биз хуришди жахонмиз, эй ёр.

ЙИГИТ:
– Остонангни ўпган кўчаман,
Соғинч шароб тутар, ичаман.
Ором деганидан кечаман,
Самандарман висолингга зор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚИЗ:
- Қайси ошиқ соғинч туймаган,
Остонага бошин қўймаган.
Шоҳ Машрабдай дилин ўймаган.
Биз хуршиди жаҳонмиз, эй ёр.

ЙИГИТ:
- Тўкилади оқ қоғозга байт.
Дили тўлгин ҳофизман бу пайт.
Кўнглингга йўл қайда ўзи, айт,
Самандарман висолингга зор.

ҚИЗ:
- Кўнгилга йўл атиргулдадир,
Изҳори дил ширин тилдадир.
Зор куйланга арзиймиз, ахир,
Биз хуршиди жаҳонмиз, эй ёр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЧАНҚОВУЗЛИ, ҲОЙ СУЛУВ

*Қўшиқ*

Тоғ ўраган қишлоқнинг
Ўғиллари Алпомиш.
Қизин сочи мунчоқли,
Лабларида чанқовуз.
Чанқовузли, ҳой сулув,
Қарашмага бой сулув.
Севдим сени, севмасанг
Менинг ҳолим вой, сулув.
Ким экан деб бу ошиқ,
Олмагин ҳеч хавотир.
Айтарларим ўт қўшиқ,
Аждодларим Асотир.
Сочларингнинг мунчоғин
Онанг ўзи тақибми?
Ошиқларинг кўп чоғи,
Бари менга рақибми?
Бир жилмайиб кулсанг сен,
Дил деганим чилпарчин.
Алпомишинг бўлсам мен,
Бўлсанг қани Ойбарчин.
Шартларингни айт, сулув.
Синовингдан ўтарман.
Тулпор миниб бе тулув.
Кўпкарингда ютарман.
Чанқовузли, ҳой сулув,
Қарашмага бой сулув.
Севдим сени, севмасанг
Армоним шу, Ойсулув



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

...Сизга етмок учун бир тош навраста
Баргдаги шудрингга айлансам кани.
Офтоб нурларига илашиб аста,
Сизнинг манзилгача учиб боргани

Кўзимдаги мунглар кетгай тўкилиб.
Зулматдаги кўнглим яраклай бошлар.
Туйғулар камалган зиндон сўкилиб,
Гуллаб юборарди кон-кора тошлар.

Мен етсам... Сиз кутган бўлсангиз илхак,
Лахзалар умримнинг дардин оларди.
Такдир ёзигимни ўзгартириб Хак,
Аччик кисматимни хайдаб соларди...

* * *

Кенгликларни тўсди кўзимдан
Кутмаганда тушган туманлар.
Тишини кайраб келар изимдан
Ялмогиздай хунук гумонлар.

Видо айтар гулнафас куним
Хазон фаслин суймаган кушдай.
Сўзлай десам чикмайди уним,
Бўгзимга тош тикилиб муштдай.

Не алам бу, тошлари тоғдек –
Кунларимнинг бошини ёради.
Мухаббатнинг жон-жони оғриб,
Тул кечада кетиб боради...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қаро сочим толим-толим,
Оккуш бўлди ок хаёлим.
Забонимнинг хасрати йўк,
Мен топган ишк шунча золим.

Каранг, кушлар жуфт-жуфт учди,
Юрагимга ўтлар тушди.
Ҳар кўнгилнинг тенги бўлар,
Дунё мени дардга кўшди.

Ишк дарсидан не илгадим,
Тун багрини мен тигладим.
Сиз адашган йўлга бокиб,
Жон чиккудай жим йигладим.

Райхон хушбўй, аммо гулмас,
Ишк дегани очик йўлмас.
Кўзимдаги сиёх ёзсин,
Сизсиз менинг бахтим кулмас.

Дилимдаги дардмидингиз,
Сиз мен кутган мардмидингиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Томчи тутавериб толди кипригим.
Дардлиларга дилдош бўлдим хоксор.
Севги дарёсига тушди кўпригим.
Белбоғли бир бек йигитда кўнглим бор.

Сочларимни гулнафас шамол сийлар,
Сирларимни билмадим кайга элар.
Ўзга ёрни ўйласам йиғи келар.
Белбоғли бир бек йигитда кўнглим бор.

Кўклам сенни кўзларим хуш кўради.
Кашталарим ойдан ипак сўради.
Онам сандик очолмай жим юради,
Белбоғли бир бек йигитда кўнглим бор.

Хаёлларим ҳамал кўрган насторин,
Ўрикзорнинг ок рўмоли дафтарим.
Майсадаги шудринг бўлди айтарим.
Белбоғли бир бек йигитда кўнглим бор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сочингизни ўпса шамол, менга ғаним,
Рашк ўтида ёна бошлар жону таним.
Севги тўла чашма эрур тоза дилим,
Сезмасангиз нелар қилай, нозаниним.

Севги тўла чашма эрур тоза дилим,
Сезмасангиз нелар қилай, нозаниним.

Дил кўпириб жўшиб турар чоғларида,
Қолдирасиз мени алам доғларида.
Соғинтирган муҳаббатнинг боғларида
Кезмасангиз нима қилай, нозаниним.

Севги тўла чашма эрур тоза дилим,
Сезмасангиз нима қилай, нозаниним.

Айриликнинг аёзида қақшадим-а,
Хуржуни бўш девонага ўхшадим-а
Юрагимни пойингизга тўшадим-а,
Келмасангиз нима қилай, нозаниним.

Севги тўла чашма эрур тоза дилим,
Сезмасангиз нима қилай, нозаниним.

Етай десам етказмади йўлларим-а,
Тошга тўлди, қаранг, ўнгу сўлларим-а.
Сарғаяди сизга деган гулларим-а,
Узмасангиз нима қилай, нозаниним.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Севги тўла чашма эрур тоза дилим,
Сезмасангиз нима қилай, нозаниним.

Жола тишар субҳидамлар сабосидан,
Лола унар Лайлиларнинг навосидан,
Кўнглингизнинг баланд кибру ҳавосидан
Безмасангиз нима қилай, нозаниним.

* * *

Тилаклари тилло эди дилимнинг,
Гуллар гўзал туйғуларин туйдирди.
Дайди тошлар тўсиб тушди йўлимни,
Юраксизлар юрагимни куйдирди.

Билолмадим тунмиди ё, кунми ё,
Армон менга куйлагини кийдирди.
Қараб туриб индамадинг сен, Дунё,
Юраксизлар юрагимни куйдирди.

Сайлаганим севганимни сезмади,
Аямади, жон-жонимдан тўйдирди.
Оҳлар урдим – пинагини бузмади,
Юраксизлар юрагимни куйдирди.

Ишқ боғининг гули кўзга тўтиё,
Тушларимни хуш таъбирга йўйдирди.
Табибимни топиб бергин сен, дунё,
Юраксизлар юрагимни куйдирди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# КЎЧАНГИЗДАН ЎТГАНИМ ЎТГАН

Машраб бўлдим ўзим ҳам сезмай,
Бир дийдор деб аламлар ютган.
Дарчангиздан кўзимни узмай,
Кўчангиздан ўтганим ўтган.

Эй юзи гул, лаблари гулканд,
Деворингиз бунчаям баланд.
Юрагимни этгани пайванд,
Кўчангиздан ўтганим ўтган.

Шамолларга рашким келади,
Мен ҳам девор ошгим келади.
Ким тушунар, кимдир кулади,
Кўчангиздан ўтганим ўтган.

Соғинмайсиз мени сира ҳам,
Ёмонманми шунча, маликам.
Васлингиздан тиланиб малҳам,
Кўчангиздан ўтганим ўтган.

Наҳот кўнгил йўлимиз айри,
Сарғайтирди севгининг сайри.
Борми мендек гадога хайри,
Кўчангиздан ўтганим ўтган.

Оловланди соғинчнинг чўғи,
Азоб экан ҳаддан ортиғи.
Бир кўриниш беринг ҳеч йўғи,
Кўчангиздан ўтганим ўтган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кетаверар кайсар кадамлар,
Нетай дарвеш қилди бу дамлар.
Нима деса десин одамлар.
Кўчангиздан ўтганим ўтган.

* * *

Ўт бўлиб соғинчингиз жону танда.
Сизни кўргим келди, ёр, бу чаманда.
Ишкингиз оташлигин билмасмисиз.
Чидаб бўлмас бу олов чирмаганда.
Қолди бу жон хажрингиз қахрида, ёр,
Толди бу жон айрилик нахрида, ёр.

Турналар тортди таранг арконини,
Яйратиб қайтди карвон осмонини.
Қайтмадингиз ишк деган гулшанга сиз,
Орттириб қайтган бахор хайронини.
Қолди бу жон хажрингиз қахрида, ёр,
Толди бу жон айрилик нахрида, ёр.

Сизни севмоклик гунохи биздадир,
Бир гунох йўл пойлаган жуфт кўзладир.
Бизни хам суйгич кўнгил бордир, вале,
Унда фарёду алам бир сиздадир.
Қолди бу жон хажрингиз қахрида, ёр,
Толди бу жон айрилик нахрида, ёр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сочларингиз толбаргаги
Қўнғироқли, Ойгулим,
Васлингизга зор юрагим,
Қаранг доғли, Ойгулим.
Ортиб борар армонларим,
Оғриб борар жон-жонларим,
Ишким бутун, кўнглим ярим,
Кўп сўроқли, Ойгулим.
Толбаргаклар толасига
Бойланг мени, Ойгулим.
Кўзларингиз қорасига
Жойланг мени, Ойгулим.

Қорлар кетиб ариқчалар
Милдиради, Ойгулим.
Энди баҳор боғни гулга
Тўлдиради, Ойгулим.
Араз-араз зериктирди,
Зебо чехра зориктирди.
Билмайсиз-да хижронингиз
Ўлдиради, Ойгулим.
Толбаргаклар толасига
Бойланг мени, Ойгулим.
Кўзларингиз қорасига
Жойланг мени, Ойгулим.

Қор сувида оқар бўлди
Айтар сўзим, Ойгулим,
Адашмасин ишким йўлда,
Тилаги тўзим, Ойгулим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Севгига сук самандарман,
Хуржуни йўк каландарман,
Машрабдилли дарбадарман,
Ошик ўзим, Ойгулим.
Толбаргаклар толасига
Бойланг мени, Ойгулим.
Кўзларингиз корасига
Жойланг мени, Ойгулим.

* * *

Мажнунтоллар бош эгган сохил
Дийдорлардан мунаввар хилкат.
Билар сабрим ранглари захил,
Бир бевафо билмайди факат.

Хотиралар хира бир тушдай,
Синиб борар илинж бехушдай,
Мухаббатсиз олам бўм-бўшдай,
Бир бевафо билмайди факат.

Бу хаётнинг баланд-пастида,
Дил кечмади ишкини касдидан.
Бошга корлар ёгди дастидан,
Бир бевафо билмайди факат.

Юрагим-ку уриб турибди,
Аммо шўрим куриб турибди.
Севдирган Хак кўриб турибди,
Бир бевафо билмайди факат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Юрагимнинг кат-катига
Кўмиб қўйганим полам.
Сабримга, токатимга
Томирлар ёйган жолам.
Эй кўнглимнинг суйгани.
Бормисиз соғу омон?
Унутдингизми мани,
Хаёлим сизда хамон.

Фурсат кетди бахорни,
Саратонни куваlab.
Эътирофни, инкорни
Ҳеч аямай жуваlab.
Дардим кун-кун зиёда,
Юрагим тўла армон.
Бормисиз бу дунёда,
Хаёлим сизда хамон.

Йилларга елка тутдим,
Тотиб алам зарбини.
Ардоклаб, асраб ўтдим
Бир суйгичнинг калбини.
Шеърлар ёздим бир талай,
Сатрлари нафармон.
Омонмисиз, харкалай,
Хаёлим сизда хамон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мен севдим-у, ёрим севди бошкани,
Тўлган дилим тўкилмас кўзёш кани.
Пулсиз колган хайрона бу бошимни
Қайси тошга урай, ўшал тош кани?
Мен ёр севдим, ул ёр севди бошкани.

Дийдор тилаб бу дил мастона, найлай,
Мен эгилган манзил остона, найлай.
Эл ичинда ишким афсона, найлай,
Туганмас токат кани, бардош кани,
Мен ёр севдим, ул ёр севди бошкани.

Кўкламларим кетди, кетади ёзим,
Куйибдими, кўлдан кўчибдир гозим.
Машрабона оханг ичибдур созим,
Ҳолим кўрсин юзлари куёш кани,
Мен ёр севдим, ул ёр севди бошкани.

Рутубатда рангинг сомон бўларкан,
Қайгу-алам бир сен томон бўларкан.
Севгинг синса ёмон, ёмон бўларкан,
Бошим тошга урай – ўшал тош кани,
Мен ёр севдим, ул ёр севди бошкани.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ёрдан хабар берди саболар,
Юрагимга тўлди наволар.
Ҳижронзада кунлар оғриғин
Шу оҳанглар сеҳри даволар.
Ёрдан хабар берди саболар.

Дўстим бўлар майда ёмғирлар,
Кафтларимга тутар чоғирлар.
Онажоним кўрса яйрарди
Ювилганин дилдан рўёлар.
Ёрдан хабар берди саболар.

Тиниқлашиб кетар тафаккур,
Дил уйимга кириб келар нур.
Улуғларим айтгани каби,
Жаннат бўлар икки дунёлар.
Ёрдан хабар берди саболар.

Замиранинг офтоб сўзи бу,
Маст айлаган гулоб сўзи бу.
Осмон билан ернинг устуни
Муҳаббатли меҳригиёлар.
Ёрдан хабар берди саболар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Баргларда хаёлим бор,
Куз келмайин тўкилди.
Парвосиз бўлди дилдор,
Кўнгилга дард экилди.

Тақдир тоти шўрмиди,
Туйғуларим ғўрмиди.
Адашдимми, билмадим.
Ишқининг кўзи кўрмиди.

Самода саволим бор,
Қор парчадай тўкилди.
Раҳмсиз бўлди ул ёр,
Гулханимни ўчирди.

Тақдир тоти шўрмиди,
Туйғуларим ғўрмиди.
Адашдимми, билмадим,
Ишқининг кўзи кўрмиди.

Оқ чинида гулобим,
Бир чайқалди, тўкилди.
Жафо қилди моҳтобим.
Дилим чок-чок сўкилди.

Тақдир тоти шўрмиди.
Туйғуларим ғўрмиди.
Адашдимми, билмадим,
Ишқининг кўзи кўрмиди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Муздикка касдма-касд-ла,
Ўзинг бўл ўту офтоб.
Муҳаббат, мени асра,
Таскин, тасалли сўз топ.

Тақдир хеч шўр эмас де,
Ҳисларинг гўр эмас де.
Адаштирмас муҳаббат,
Ишқсизлар зўр эмас де.

* * *

Севгим сағир, беэга,
Сиғмас на кўк, на ерга,
Соғинди сизни кўнгил,
Соғинмадингиз нега?

Тиконга ташлаб жонни,
Жим йўл караш осонми,
Оҳлар ўйди осмонни,
Соғинмадингиз нега?

Томчи тошни майдалар,
Бу ҳол не деб аталар.
Ёлғонмиди ваъдалар,
Соғинмадингиз нега?

Алам илондай ўрлар,
Тинмади ғийбатхўрлар.
Бўлдик манглайи шўрлар.
Соғинмадингиз нега?



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Осмон узра тортилди
Турналарнинг карвони,
Оромимга отилди
Қуралай кўз пайкони.

Қуралай кўз сочи дор,
Боғлансанг кунинг абгор.
Ёзилди қилқаламда
Ошиқликнинг фармони.

Бу йўлдан ким ўтмади,
Ранжу алам ютмади.
Шунчалар талх-тахирми
Ваъдаларнинг ёлғони.

Адашдим васл излаб,
Гул тўла фасл излаб.
Юрагимга тўлди, воҳ
Сариқ кузнинг хазони.

Ишқ оғир савдо экан,
Дунёси ғавғо экан,
Кетмас бўлди юракдан
Муҳаббатнинг армони.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЮРАГИМНИ УЛҒАЙТИРДИ АНДУХЛАРИМ

Жонда оқди ошиқларининг бахшилиги,
Чаман бўлиб чиройланди гулрухларим.
Аслида бу – рақибимнинг яхшилиги,
Юрагимни улғайтирди андухларим.

Маликаси бўлмасам-да кўшк-саройнинг,
Дарди тўлгин дўсти бўлдим тўлин ойнинг.
Кўксим мўлжал неча ўқлаб камон-ёйнинг,
Юрагимни улғайтирди андухларим.

Рух дегани катта ишкка турма бўлди,
Охлар урдим аркон қилган турна бўлди,
Файласуфлар фикри кўзга сурма бўлди,
Юрагимни улғайтирди андухларим.

Ўхшаб чарс-чарс ёнаётган чақмоқларга,
Мухаббатдан масал айтдим сўқмоқларга.
Чарчадим гох чап бергунча тўқмоқларга,
Юрагимни улғайтирди андухларим.

Умрим Ҳаққа борар йўлда ўқдир бугун,
Севги синов солса кўнгил тўқдир бугун,
Ғанимга ҳам ғайр сўзим йўқдир бугун,
Юрагимни улғайтирди андухларим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ойнинг заррин ипаклари узун бўлди,
Мени ошик айлаган хуш хусн бўлди.
Хижронида девоналар килди, ахир,
Ёр йўллари, йўлаклари афсун бўлди,
Мухаббатнинг эртаклари узун бўлди.

Шерикдурман Мажнунларнинг армонига,
Осилдим-а турналарнинг арконига.
Кўксим тутдим тошбагирнинг пайконига.
Борар йўли, йўлаклари афсун бўлди,
Мухаббатнинг эртаклари махзун бўлди.

Атиргуллар дардларимдек катландилар,
Ошиклигим кўзларимга хатландилар,
Кадамларим хар лахза бир отландилар.
Мен борар йўл, йўлаклари афсун бўлди,
Мухаббатнинг тилаклари тўзгин бўлди.

Сигмагайман баъзан еру фалакка-я,
Куюк кўнгил етишгайми керакка-я,
Тушунтира билмаяман юракка-я,
Ёр йўллари, йўлаклари афсун бўлди,
Мухаббатнинг эртаклари узун бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Биз йигитнинг мардлигин севгувчи гул,
Ваъдаси бегардлигин севгувчи гул.
Қайда деб бундоқ жўмард кўнглига йўл.
Орзу ичра ўйланиб ўтгучи биз,
Оролаиниб, хуш ўнглаиниб ўтгучи биз.

Жабрини жон ичра жамлаб жиммиз-а,
Тубда тўфон, сиртимиз сокинмиз-а,
Асли Офтобойиму Моҳиммиз-а,
Нурларин зуннор этиб боққучи биз,
Жабрини гуммор этиб таққучи биз.

Айриликда ишқ ўти баттар ёнар,
Бу кўнгил ором, ҳаловатдан тонар,
Хоб йўқотган кўзимиз юлдуз санар,
Сўзга сиғмас дардларин ютгучи биз,
Ўт бўлиб ўтли ғазал битгучи биз.

Бойлаган белбоғига маст, бандамиз,
Гафтидан ораз анор гулхандамиз,
Изласа Анжон деган гулшандамиз,
Ошкор этмай кўз хумор куттгучи биз,
Келсалар пойига жон тутгучи биз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мунгли создан сочилди сас,
яшил боғни тўлдирди хас.
Кўз ёшинга арзимасмиз,
муҳаббатни йиғлатма, бас.

Гулим десам шохлар синди,
ким чув тушиб ким ўксинди.
Андиша қил етар энди,
муҳаббатни йиғлатма, бас.

Саҳий дунё баъзан бахил,
хасратининг тури минг хил.
Етар, энди андиша қил,
муҳаббатни йиғлатма, бас.

Ишқ дегани Ҳақнинг мулки,
етмагай ким севги тулки.
Кет, кет, энди этак силки,
муҳаббатни йиғлатма, бас.

Нурамасин севги синчи,
кўп қийнади дил соғинчи.
Замиранинг шу ўтинчи,
муҳаббатни йиғлатма, бас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Туйғуларим ширандур,
Иқрорим яширандур.
Ишқим менинг бир бутун,
Фақат кўнглим яримдур.

Изим ўпган сўқмоқ йўл,
Бағрида сирларим мўл.
Шамоллар олиб учган
Тасвирим, таърифимдур.

Тухфанг тушкунлик бўлди.
Йўлим мушкуллик бўлди,
Сувда қалқиб оққани
Дил розим, тавсифимдур.

Қолдим қандоқ савдога,
Хайринг борми гадога?
Севгига жонин садқа
Айлаганлар пиримдур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Истак қушин сайри дедим
Самоларда кезганимни.
Гулбоданинг хайри дедим
Гулга қараб сезганимни.

Ошиқларга ошна бўлдим,
Бир маҳбубга ташна бўлдим.
Не дей ишқнинг уммонида
Гоҳ чўкиб, гоҳ сузганимни.

Кўзимда ул ҳусни якто,
Кўкайимда ҳажри – сафро.
Билса эди баъзан ҳатто
Ўз-ўзимдан безганимни.

Қалам тутсам тўлди дафтар,
Элчилик қил, оқ кабутар.
Кўнгил кўзи мудроқларга
Бериб кўйгин ёзганимни.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Юлдузлардан ёғилди шеър.
Яйраб боқар осмону ер.
Бир нозига жонингни бер
Нози гўзал шу кизнинг.

Из босади аста-секин.
Табассуми гўзал лекин.
Тушларига ким кираркин
Нози гўзал шу кизнинг.

Қарашлари бир мулойим,
Ўсма қўйиб юрар доим,
О... исми Ўзбекойим
Нози гўзал шу кизнинг.

Ҳаё юзда ярашиғи,
Гулсочкилар ок қўшиғи.
Сўрасангиз биз ошиғи
Нози гўзал шу кизнинг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# КЎНГЛИМ МЕНИНГ

Қат-қатида гул ранги бор,
Тингласанг ишқ оҳанги бор,
Тўлғоқли туғлар занги бор,
Кўнглимдир ул, кўнглим менинг.

Қандоқ дема хобсиз саҳар,
Дашти фанода дарбадар,
Бир малакким – кўз ёши зар,
Кўнглимдир ул, кўнглим менинг.

Азиз дийдор олиб ёдин,
Ибодатлар қилгани чин,
Дарвеш кашийкин демагин,
Кўнглимдир ул, кўнглим менинг.

Келгунча то рўзи маҳшар,
Ошиқдир ул – фидо яшар,
Гоҳ титроқ, гоҳ нурга ўхшар,
Кўнглимдир ул, кўнглим менинг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй, гўзал хотирим, олис осмоним,
Васлинг баланд бўлди, сенга етмадим.
Эй аҳди омонат, аҳди ёлғоним,
Сен мени унутдинг, мен унутмадим.

Чеҳрангга кўз тутиб чироқ кўрдим мен,
Севгидан сўз кутиб сўроқ кўрдим мен,
Юрагимда армон, фироқ кўрдим мен,
Сен мени унутдинг, мен унутмадим.

Маъюс келиб кетди қанча баҳорлар,
Сознмдан таралди аламлар, зорлар,
Сенга ўхшамади ўзга дилдорлар,
Сен мени унутдинг, мен унутмадим.

Ёндим, ёнишимни куёш шарҳлади,
Унсиз полишимни бардош таҳлади.
Наҳот сенинг кўнглинг шунча яхлади,
Сен мени унутдинг, мен унутмадим.

Бу гавжум дунёда ёлғизлик малол,
Кунлар ғариб, кунлар паришонхаёл.
Эй, лаблари гулқанд, эй, офтобжамол,
Сен мени унутдинг, мен унутмадим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кун келар... кўзингиз ростликни кўрар,
Тўзиган гул барги кўзгу бўлади.
Кўнглингиз ул унут кўшикни сўрар,
Истаклари мискин, эзгу бўлади.

Йўлак хазонларин шивир-шивири
Қоматга келтирар кулогингизни.
Сезгандай бўласиз бу нениңг сири,
Излайсиз дийдори йирогингизни.

Хаёлни йиғлатар аттангми, афсус...
Чалғитган ёлғонлар, нозлар бари хеч.
Сочингиз окига ёпишади куз,
Ростни соғинасиз... жудаям кеч... кеч...

Кун келар...



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЎҒЛИМГА

1

Феълинг худди дарёларнинг тўлқинидай.
Дилинг худди саратоннинг ёлқинидай.
Сен тинглаган аллаларда синоат кўп.
Фикрларсан оқил элнинг оқинидай.
Ойдин сўзинг оқилликдан нишонадир.
Ватан сенга келажагин ишонадир.

Мозийга боқ. Улуғликлар қат-қат. Топгин.
Сен улардан муҳаббату ҳайрат топгин.
"Ўзимдан-да бахтли бўлсин болам" деган
Эл тилаги янглиғ гўзал сийрат топгин.
Дил чиройинг комилликдан нишонадир.
Ватан сенга келажагин ишонадир.

Ҳурлик деган эл ўзини хўрлатмагай.
Қарам бўлмас. Пешонасин шўрлатмагай.
Ўзига бек баҳодирнинг болалари
Қаддини тик тутар, асло ерлатмагай.
Савтинг сенинг султонликдан нишонадир.
Ватан сенга келажагин ишонадир.

Қушлар суйсин қуёшга ўнг айвонингни.
Гулхан суйсин чойи ширин қумғонингни.
Ўзбекистон десалар ўз созингни чал.
Гулшан суйсин гул яшнаган қўрғонингни.
Уйин асраш улуғликдан нишонадир.
Ватан сенга келажагин ишонадир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2

Кўнгилда тикланар севги саройи,
Феъли фидойилар – элнинг чиройи.
Қошариқдан қолган насиҳатдур бу:
- Фидойи бўл, болам, элга фидойи.

Кечмишга бир қара, турарлар саф-саф,
Боболарнинг бари ҳақиқат тараф.
Исмингни азизлаб тутгайдир шараф,
Фидойи бўл, болам, элга фидойи.

Битта хешинг бўлиб боқади Широқ,
Бир ўзи бир бутун лашкардан кўпроқ.
Оғринмай кўтарар вазнингни тупроқ,
Фидойи бўл, болам, элга фидойи.

Бехато гулласин яратганинг боғ,
Ёниб турсин улуғ уйингда чироқ,
Жон тута билганлар каби зарур чоғ,
Фидойи бўл, болам, элга фидойи.

Сенинг онанг оддий, отанг кўп содда,
Диллари бирлашган бир эътиқодда.
Уларга ўхшагинг келса ҳаётда,
Фидойи бўл, болам, элга фидойи.

3

Болажоним, сен тоғ бўлгин юксалиб,
Бир боғ бўлгин оппоқ-оппоқ гул солиб.
Севги топсанг азизланиб бор албат,
Азизланган бир кўнгилга йўл солиб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёв келганда турланади тулкилар,
Ким бургут, ким мусичадай кукулар.
Тиз букмагин, йигитнинг тизи факат
Юрт тупрогин тавоф этиб букилар.

Аргумок ол. Алпомишнинг ахдин топ,
Майдон тушсанг калдирокнинг шаштин топ.
Шарифнинга мард ёрлигин тутсинлар,
Йигитликда йигитликнинг гаштин топ.

Ватан десанг, ватанга хос шаън ярат,
Юрагингда куёшдай гулхан ярат.
Боболаринг буюк ишк деб ўтганлар,
Шажарангга ярашик гулшан ярат.

Болажоним, мағрур тоғ бўл, юксалиб...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ошкор этгин кўнглимни шамол,
Этагингдан тўкиб гул нафас.
Ҳаёт зарби келмайди малол,
Ҳақиқатга шерик юрсам бас.

"Бир кун кетар дилдаги доғлик",
Суяб турар жонимни бу сас.
Умрим тоғи севгига боғлик,
Ҳақиқатга шерик юрсам бас.

Ёлғонларнинг ёвуз жарлигин
Кўрдим, шаҳид кетди не ҳавас.
Асра мени, эй ўжарлигим,
Ҳақиқатга шерик юрсам бас.

* * *

Алдовлардан толиқдим ёмон,
Занглар чўкди дилим тубига.
Толиқтирди хиёнат, гумон,
Муҳаббатим йиғлар беэга.

Зам-зам сувдай ишончларимни
Лойқалатиб бўлди тўзонлар.
Мен бой бердим кўнгил заримни,
Ўғирлади уни ёмонлар.

Сас чиқармай – этмай овоза,
Юрагимни дардлар юлади.
Хиёнатлар сиғмаган тоза
Оламларга кетгим келади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТУЛПОР

Айланайин ўзингдан, тулпор.
Олов чакнар изингдан, тулпор.
Алпомишнинг авлодиман мен.
Чавандознинг ўзимман, тулпор.

Севги тонган дилим сарафроз.
Учгин учкур тулпорларга хос.
Мени ошик айлаган сулув
Жўмардларни ёктириши рост.

Кенгликларга Ватан деб карай.
Мехр билан ёлингни тарай.
От ярашган полвонтўни бўлиб,
Азиз элнинг корига ярай.

Мардлар бўлса юртнинг ранг-рўйи.
Баландлайди эл шаънини бўйи.
Мардларини кашф этар элнинг
Кўпкарилар ярашган тўйи.

Чавандознинг чирой, хусни – сен.
Садокатнинг битта исми – сен.
Мен ошикман. Бегона килма
Мухаббатдай буюк хисни сен.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сени суйсин кўклам гули,
Ризким деган ёгса сели.
Изимизга ярашсин, дўст,
Яхшиликнинг ёруг йўли.
Неъмат деб бил умримизни,
Ганимат бил кунимизни.

Ёвдек яна ёлгонларга,
Дўст бўл, дўстсиз колгонларга.
Хиёнатнинг ошини ичма,
Садокатни отма жарга.
Неъмат деб бил умримизни,
Ганимат бил кунимизни.

Илм бир-ла номинг окил.
Устоз пойин зиёрат кил.
Отанг рози, онанг шодми –
Икки олам жаннати шул.
Неъмат деб бил умримизни,
Ганимат бил кунимизни.

Озор тутма хатто кушга,
Улгуриб кол савоб ишга.
Шайтон билан шўрва ичиб,
Юткизмагин ёзни кишга.
Неъмат деб бил умримизни,
Ганимат бил кунимизни.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Оғрик жонга шифо иста,
Субҳу шомга сафо иста.
Ёмғир орти камалакдек,
Рухсор бўлгин гўзал гусда.
Неъмат деб бил умримизни,
Ғанимат бил кунимизни.

Азиз она тупроқ дегин,
Севдим кун-кун кўпроқ дегин.
Дилу жоним,
Зулматингни
Ёритган шамчироқ дегин.
Неъмат деб бил умримизни.
Ғанимат бил кунимизни.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЯШИЛ ОЛАМИМ – НАВРЎЗ

Яшилланган оламим – Наврўз,
Яхши йўлда ҳамдамим – Наврўз.
Минг йилларни елкалаб келган
Ўзбекона байрамим – Наврўз.
Ҳуснинг гўзал, ҳуморинг гўзал,
Юртим гўзал, баҳори гўзал.

Ўрикзорлар рўмол ёпинди,
Тароватни шундан топ энди.
Тенглашди деб кундуз ила тун,
Ой суюнди, офтоб суюнди.
Ҳароратли ҳуморинг гўзал,
Гўзал юртим, баҳоринг гўзал.

Кўнгил шошар кенгликлар сари,
Давраларда улоқ, кўпкари.
Тулпорига ярашиб келар
Чавандозман деганнинг бари.
Олқишларнинг охори гўзал,
Гўзал юртнинг баҳори гўзал.

Сайилларда ўгу оташ бор,
Момоларда келин танлаш бор.
Дилдан араз-аразлар кетган,
Ассалом бор, яраш-яраш бор.
Яхшиларнинг алёри гўзал,
Юртим гўзал, баҳори гўзал.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КЕТГИМ КЕЛМАС УМИД БОҒИДАН

Кетгим келмас умид боғидан,
Аламларга топарман тоқат.
Йиқилгим йўқ дил чарчоғидан,
Кўриб қуйсин бир бесадоқат.

Тугамас дил парваришлари,
Толса ҳамки армон доғидан.
Келмаса ҳам рўёб қушлари,
Кетгим келмас умид боғидан.

Омонлашсин ўсма билан қош,
Ҳайрон қотсин хазонрез фаслим.
Мени ташлаб кетмагин, бардош,
Осонгина бўлмасман таслим.

Кун сўрайман ҳоргин жонимга
Мағрурликнинг баланд тоғидан.
Ўт кетса ҳам хонумонимга,
Кетгим келмас умид боғидан...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўнглим менинг алвон-алвон кизгалдокзор,
Гулбаримда титраб турган шабнамлар бор.
Нодўст шамол юлкиб ўтди, бериб озор.
Нодўстларга сўзим зое, айтарим йўк.
Яхшиликдан чалгигим йўк, кайтарим йўк.

Майдонларда мардлар билан тулпор яшар,
Тошбўронлар тўколмаган охор яшар,
Тозаликнинг кўлларида соз-тор яшар,
Нодўстларга сўзим зое, айтарим йўк.
Яхшиликдан чалгигим йўк, кайтарим йўк.

Уйларимда яшнайверар алвон гуллар,
Синовида синаб олсин сахро, чўллар.
Яхшиларнинг дуолари мени кўллар,
Нодўстларга сўзим зое, айтарим йўк,
Яхшиликдан чалгигим йўк, кайтарим йўк.

Бу оламда ким кахрагон, ким гулфасл,
Кадри кетмас гавхар бўлса агар асл,
Майли ёгса ёгаверсин гийбатдан сел,
Нодўстларга сўзим зое, айтарим йўк.
Яхшиликдан чалгигим йўк, кайтарим йўк.

Эшитилиб турар баъзан ёвук саслар.
Очик кўзни мўлжал олар чўпу хаслар.
Улар кўздан ёш тўкишга арзимаслар,
Нодўстларга сўзим зое, айтарим йўк,
Яхшиликдан чалгигим йўк, кайтарим йўк.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОТАЖОН

I

Куз сувлари каби тиниқ умрингиз.
Меҳнат билан ўтди аниқ умрингиз.
Тарозиси алдамчи бу дунёда
Ҳасрати йўқ бир хўрсиниқ умрингиз.
Салобати шердай улуғ отажон.
Сиз бор кўнглим нурга тўлиғ, отажон.

Ўтаверар айланиб йилу ой ҳам,
Бу ҳаётнинг синовлари кўп бирам.
Айтиб берса кафтингизнинг қадоғи,
Кунингизда ғурбат кўпу ором кам.
Тўфонларни тўсган тоғим, отажон,
Кўзимдаги шамчироғим, отажон.

Бошингизга ёққан қорга сабабман,
Билсам Сизни на аяб, на асрабман.
Қай бир лаҳза ҳаволаниб ўзимча
Баландладим дея асли пастлабман.
Меҳнатлари беминнатим, отажон,
Кичик кўнгил, серҳимматим, отажон.

Сизнинг панду ўгит билан омонман,
Баъзан ҳаёт адаштирган ёмонман.
Ғуссаларим юрагимни ўйганда,
Кўксингизга бошим қўйиб султонман.
Бўлмагайман кўнгли ярим, отажон,
Сиз борсиз-ку, сеҳргарим отажон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Зўрман деган феълим йўк, фармоним йўк.
Мухаббатдан мосуво бир оним йўк.
Нетарани из юзларимда акс этиб,
Ўхшашингиз бўлолсам армоним йўк.
Салобати пирдай улуғ отажон.
Сиз бор уйим нурга тўлиғ, отажон.

2

Қирк ёшида сочи оппок кор, отам.
Салобати сирли, серникор отам.
Эсига келмайди ўз юксаклиги.
Зарра зафаримдан бахтиёр отам.

Кўкси тўфонларни гўса олган тоғ,
Менинг ғўрлигимдир дилидаги доғ.
Гохида каттиккўл, гох феъли юмшок,
Ибратда хамиша накди бор, отам.

Севинеи сўздамас, кўш корачигда,
Ором, халовати хамиша тиғда.
Болам, дейди хатто бемор ётигда,
Нигохида илинж хаги бор отам.

Баланд-пастликлари сероб хаётда.
Берганин унутган, олгани ёдда.
Таъмаю миннатга бегона, содда.
Адашганга ўгит, панди бор отам.

Ёлгонга ёв бўлган лочин, сор умр.
Хакикат йўлида хокисор умр.
Асраган давлати номус-ор – умр.
Синовларда синмас савти бор отам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Отамга ўхшашни ўйлаб яшайман.
Шунда куртак ёзиб гуллаб яшайман.
Ҳақдан узун умрин тилаб яшайман
Юрагимга иссиқ тафти ёр отам.

3

Изларимдан омад келса – дўстим кўп.
Дарвозамни ёполмадим, отажон.
Омад қайтиб кўзларимга кирса чўп,
Сиздай жон дўст тополмадим, отажон.

Кўз кўраркан омонликда юрса бош,
Курагимни мўлжал олди қанча тош.
Туним беой, куним бўлди бекуёш,
Сиздай жон дўст тополмадим, отажон.

Тоғ эдими суянганим жуссангиз,
Паноҳ топдим шамол, селни тўссангиз.
Мен эканман билсам ҳамма гуссангиз,
Сиздай жон дўст тополмадим, отажон.

Мен дард чексам қароғингиз эди нам,
Жон-жонимга меҳрингизмиди малҳам.
Сиз йўк – энди битмаётир дил ярам.
Сиздай жон дўст тополмадим, отажон.

Бугун соғинч ичра караҳт турарман,
Сиздан неки ёдгор – кўзга сурарман.
Бир кам дунё ичра айтиб юрарман,
Сиздай жон дўст тополмадим, отажон.

3



www.ziyouz.com kutubxonasi

4

Бу оламнинг энини гох кенг экан, гохо тор,
Кунларида гох куёш, гохо кора булут бор.
Хаёт толиктирганда устозим эди отам,
Бугун менинг юрагим тасқинларга бўлди зор.
Айланса бир кунгина дунё Хизр, Ҳотамга,
Дарсига муҳтожлигим айтсам эди отамга.

Отам ўтди, осмонлар йиқилди кабогимга,
Йиғи тўла армонлар тиқилди томоғимга.
Паркуларга кўйсам бош, ёраб, ботар мисли тош,
Отажоним файз экан англасам чорбоғимга.
Айланса бир кунгина дунё Хизр, Ҳотамга,
Сиз тоғим эдингиз, деб айтсам эди отамга.

Қадри ўтар кун сари дард ютаймаn соғиниб,
Иши ўнгдан келмаган ношуддайман, соғиниб.
Йўл йўқотган йўлчидай лолу хайрон турарман,
Шамолларда тўкилган оқ тутдайман соғиниб.
Айланса бир кунгина дунё Хизр, Ҳотамга,
Сизга ўхшайин, дея айтсам эди отамга.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## УЛУҒ ДЎСТЛИК

Ҳаёт ширин, ҳаёт гўзал,
Улуғланар дилда ўзлик.
Бу оламни гулдай безар,
Меҳрлилик, улуғ дўстлик.

Биз биргамиз – қошу киприк,
Ярашмайди якка чўплик.
Кўнгилларга солар кўприк
Оқибату улуғ дўстлик.

Боғлар яшил, оқдир осмон,
Мушкулликлар бўлар осон.
Балолардан сақлар омон
Оқибату, улуғ дўстлик.

Дунё бизга кўз солади,
Санъатимиз юксалади.
Дилга олов, чўғ солади
Улуғ дўстлик, улуғ дўстлик.

Ким шогирд, ким устоз бугун,
Қўшиғимиз мумтоз бугун.
Олтимаком бир соз бугун
Меҳрлилик, улуғ дўстлик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТАЪЗИМИМ СИЗГА, УСТОЗ

Илм оламга иззатдур,
Илм бирла икбол соз.
Табриклаб ёғилсин нур,
Таъзимим сизга, устоз.

Шуъла бўлиб йўлимга,
Ҳайраг тутиб дилимга.
Йўлладингиз илмга,
Таъзимим сизга, устоз.

Айтдингиз дўст деб китоб,
Дўстим бўлди ой, офтоб.
Билдим бахт не, не сароб,
Таъзимим сизга, устоз.

Игналаб кудук казган,
Захматдан рохат сезган,
Ғафлатдан ғолиб – ўзган,
Таъзимим сизга, устоз.

Танидим Навоийни,
Танидим мумтоз куйни.
Севдим Ватанин, уйни,
Таъзимим сизга, устоз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ОНА ТИЛИМ

Қанча тўзон, чанг-тупроқни ютдим, тилим,
Соковланиб кўкдан нима кутдим-тилим?
Юксалиш деб мухожирча чулдираб мен
Тик қаддингни мунғайтириб ўтдим-тилим.

Кошғарийнинг девонида шамс, ой эдинг.
Хамса ичра дунё кезган чирой эдинг,
Тахлам-тахлам луғатларда энг бой эдинг,
Нотавондай тотинг билмай кетдим, тилим.

Сенга содиқ бобом қувғин бўлган йиллар,
Кесак бўлди қўрқув кучган неча диллар,
Сен янграган китобларни кўмди кимлар,
Инграсанг сен, ўзни гаранг этдим, тилим.

Улканликдан кун-кун бўла бордим майда,
Сенсиз ахир иззат қайда, хурмат қайда?
Исмим йўқдир ё "издраст", ё "гудбай"да.
Боши бекик бир кўчага етдим, тилим.

Мустабидлик не, Хурлик не – мендан сўра,
Бугун хурман, ўзим беку ўзим тўра.
Энди ғурур гулшанимни босмас шўра,
Онамсан-ку, бўлмагайман етим, тилим.

Дунё кезиб юрар, лахжам маним гўзал.
Лол қоларлар Навоийдан айтсам ғазал.
Бу малохат, бу чирой-ку азал-азал.
Бир шукронам – мен аслимга қайтдим, тилим



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚОМУС КИТОБИГА

I

Умримизни чорлар энг баланд коя,
Орзу-бахт йўлида бир пиллапоя.
Эркимизни ҳар дам қилгай ҳимоя
Қомус китобимиз – Конституциямиз.

Ватан сарҳадлари эрур дахлсиз.
Журъат тополмагай боскинчи бир из.
Ҳар сатри кўрғондай турибди шаксиз,
Қомус китобимиз – Конституциямиз.

Ўқиш хак-хуқуқин белгилаб қўйган
Онгимизга меҳнат ҳурлигин қуйган
Кўнгил шаънимизни қуёшга йўйган,
Қомус китобимиз – Конституциямиз.

Юртга содиқларнинг бутундир бахти,
Чаманзорлар, боғлар унинг тож-тахти,
Ҳимоячинг мен деб кўзларга боқди
Қомус китобимиз – Конституциямиз.

Сотқин юртфурушдан хазар қилгай халқ,
Келажак қисмати унинг аччиқ – талх,
Унга тавқи лаънат осиб битди шарх
Қомус китобимиз – Конституциямиз..

Сен бор юражакмиз тик, кўкрак кериб,
Зарварақдан маъно мағзигни териб.
Кўнгилга қўярмиз меҳримиз бериб,
Қомус китобимиз – Конституциямиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2

Зарварак китоблар хилма-хил, лекин
Сен бошқа – маъноси, мағзи тўкиссан.
Шарҳлайсан эл, элат бўлиш нелигин.
Буюк минбарларда буюк Қомуссан.

Кўнгилга парвариш, жонга парвариш.
Миллатман деганга юзу хотирсан.
Бахтиёр туғилиш, фаровон кариш,
Қуллик тўнин ечиб отган ботирсан.

Ватан илму зиё бирла улуғдир,
Дунёнинг иззати хосдир илмга.
Озодлик она тил бирла тўлиғдир.
Битикларда мавқе бердинг тилимга.

Обрўсин асраш-чун Ўзбекистоннинг,
Ўзбекнинг ўзбекдай яшаши учун.
Туғилдим, яшайман деган инсоннинг
Сафда эркин қадам ташлаши учун...

Борлигинг қандай хуш, бағри офтобим,
Ҳар сатринг кўрғони ҳақ-ҳаддим менинг.
Кел, кўксимга босай, қомус китобим,
Сен борсан, ҳамиша тик қаддим менинг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўл юзидан таркай колсин туманлар,
Тиниқликда кўргим бор сени, дунё.
Юрагимни зада килар ёмонлар,
Яхшиларга якин кил мени, дунё.

Тошни ёрган бойчечакка дўст бўлай,
Омонлашиб севайлик сени, дунё.
Зирапчагни терган киприк, кўз бўлай,
Яхшиларга якин кил мени, дунё.

Бир кам бўлма – бўлгин тўрт кўз тугаллик,
Амал топсин тиласанг мени, дунё.
Яхшиларнинг босган изи гўзаллик,
Яхшиларга якин кил мени, дунё.

Ярашиғинг бўлган бахор – бу дилим,
Гуллибосдир бўйи хам эни, дунё.
Қароликни суймас нахор – бу дилим,
Яхшиларга якин кил мени, дунё.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА

Бунда бир сўз демай осон англайсан
Кемтик кўнгилларнинг хусни ойлигини.
Ёнирай, вужудни бир харсангдайсан,
Кўрганда кўзларнинг дардга бойлигини.

Ғалати сукунат ёпишган маҳкам.
Ҳар не бор, ҳар ким бор, фақат кулгу кам.
Турфа ўйинчоқлар беролмас малҳам.
Танлаганинг билан энг чиройлигини.

Панжара рахида кўлчалар изи,
Йўлларда чувалар илхаклик ўзи.
Ким билар?
Қайларда бу ғам илдизи,
Қайлардан отилган камон ёйлигини.

Сўзсиз сўроқларга яқин келасан.
Кафтини йиғлаб берар секин силасанг.
Тушуниб етасан, аниқ биласан,
Дунёнинг қовуши пойма-пойлигини.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ХАЁЛИМ СЕНДА БЎЛДИ

Гулсафсарлар кўз очиб,
Еллар яйраб кетганда.
Совук сукунат кочиб.
Қушлар сайраб кетганда –
Дилимга соғинч тўлди,
Хаёлим сенда бўлди.

Офтобнинг ўткирлиги
Ўрикзорга канд берди.
Шамолнинг олғирлиги
Саратонда панд берди –
Ичимга олов тўлди,
Хаёлим сенда бўлди.

Осмон ҳамма юкини
Сунбулага ортганда.
Тишлаб олиб чекини
Куз мулойим тортганда –
Дилимга хазон тўлди,
Хаёлим сенда бўлди.

Қиличини кайраб киш,
Ойнак ёпинганда сув.
Эшитмай бирон олкиш,
Музлаб бўлганда орзу –
Кўзимга йиғи тўлди.
Хаёлим сенда бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ошиқ дилининг муҳаббати қўшиқ бўлар,
Шивир-шивир шамолларга куй беради.
Ўзбегимнинг одатини ҳамма билар,
Топганига уйлар қуриб, тўй беради.

Бобомерос, отамерос тупроғида
Яктак кийиб қўш белбоғда қад керади.
Болам яйраб юрсин дейди гулбоғида,
Топганига уйлар қуриб, тўй беради.

Қанду асал боғларига таъриф етмас,
Ҳосил йиғса баракасин мўл беради.
Ҳалол меҳнат эгасидан омад кетмас,
Топганига уйлар қуриб, тўй беради.

Аждодларнинг руҳи яшар меҳробида,
Ворислари навниҳолдай бўй беради.
Етари йўқ меҳмоннавозлик бобида,
Топганига уйлар қуриб, тўй беради.

Ҳар кимнинг ўз изи бўлар йўлагида,
Гулзоридан набиралар гул теради.
Ўзбегимнинг орзуси кўп юрагида,
Топганига уйлар қуриб, тўй беради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШИФОКОРЛАР

Ибн Сино йўлларидан юрарлар,
Юрагига нур тўлар шифокорлар.
Толеини тўк илмда кўрарлар,
Жонингизга жон бўлар шифокорлар.

Йўлин киркар келган озор, кайғунинг,
Чин эгаси фидоликдай туйғу унинг.
Узун тунлар бедорлиги кўп унинг,
Жонингизга жон бўлар шифокорлар.

Хасталикда халоскордир чиндан хам,
Очик чехра, асалдай сўзи малхам,
Чехрангизга нур инса унга байрам,
Жонингизга жон бўлар шифокорлар.

Ўзин сен деб беморини сизлайди,
Иш рогига шифо, нажот излайди.
Ичган кутлуғ касамини бузмайди,
Жонингизга жон бўлар шифокорлар.

Энг аввали ўзи омон, соғ бўлсин,
Юзи ёруғ бўлсин, кадди тоғ бўлсин.
Либосидай йўллари хам ок бўлсин,
Жонингизга жон бўлар шифокорлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# КЕЧИКМА ОНАНГ ЗИЁРАТИГА

Фурсатинг етмайди, соатлар шитоб,
Дунёнинг ташвиши, юмуши минг хил.
Энг аввал мунтазир бир дийдорга чоп,
Кечикма, онангнинг қошига шошил.

Сен жигарпораси, жондан ортиғи,
Гўзал баҳорларинг унинг тортиғи.
Ярашади бўлсанг дил суянчиғи,
Кечикма, онангнинг қошига шошил.

Оғрисанг, оғриғинг ичида ёнган,
Жонингга жон тутай дея тўлғонган.
Камолингни Ҳақдан тилаб уйғонган,
Кечикма, онангнинг қошига шошил.

Ёрга ошиқ бўлсанг, шукур деган у,
Кўнглим кўшик десанг, кўкда юрган у.
Хаста ҳолида ҳам ғаминг еган у,
Кечикма, онангнинг қошига шошил.

Умрингни талашар савобу гуноҳ,
Бунга тунлар гувоҳ, кундузлар гувоҳ.
Ҳамиша интиқдир ичиккан нигоҳ,
Кечикма, онангнинг қошига шошил.

Дунёнинг файзи деб билгин юзини,
Ёмғирларга бериб қўйма кўзини.
Тополмай қолишинг мумкин изини,
Кечикма, онангнинг қошига шошил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ёмон яшамадик икков ёнма-ён,
Лекин хуш яшадик десак хам бўлмас.
Юзу кўз жилмайиб, юраклар нолон,
Кун кечса бахтлилик мазмуни тўлмас.

Кунлар кечди холос... жим-жим нафасда...
Тўрт туп гул улғайди тақдир боғида.
Армон хеч кетмади кўкрак – кафасдан,
Алам ўсаверди дард бутоғида.

Менда сабр ўсди, сиз ёндан жабр,
Тақдир ўйинида ютқаздик, ютдик.
Кулранг бу кечмишни эслаш хам оғир,
Билмадим... биз кимдан нимани кутдик...

* * *

Хаёт шатранжмиди – мағлубми ғолиб,
Ўзимча доналар сурдим, билмайсан.
Сени хаёлимда яратиб олиб,
Ўзим махлиёлар турдим, билмайсан.

Ошиқ сахросига чақирди Мажнун,
Дил ёниб сухбатлар қурдим, билмайсан.
Беш кун дейишувди бир кам дахри дун,
Минг йилча тентираб юрдим, билмайсан.

Бу қандайин севги, мен қандоқ севдим,
Кўз юмсам бас – сени кўрдим, билмайсан.
Бошимни кўксингга қўяйин дедим,
Нотавон тошларга урдим, билмайсан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сўлманг, кўнгилдаги асраган гулим,
Кетманг, умримдаги кўклам, ёзлигим.
Хазон куршаб келар юрагимни жим,
Яшил тароватим сиз-ку, азизим.

Маккора хижронлар кўзида мазах,
Сабрлар сарғайиб борар бензи.
Жимликка ёйилган видолар – дўзах.
Файзу фароғатим сиз-ку, азизим.

Дилдошсиз кўнгилни эгаллаб бир-бир,
Қайғу лашкарлари тикади кўзин.
Дардлар кул қилади, аламлар асир,
Малҳам набототим сиз-ку, азизим.

Сизни кута-кута кўзим қорайди,
Овутиб чарчадим ўзимни ўзим.
Қаранг, дунёларим менинг торайди,
Бахту саодатим сиз-ку, азизим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тамом бўлди эртагимиз ҳам,
Тиниб бўлди лойқаланган сув.
Энди бегам яшайман десам,
Кўзларимдан кетмаяпсиз-ку?!

Жилмайдик ҳам юзга бериб зеб,
Гувоҳ бўлди жимгина кўзгу.
Икки йўлга кетдик хайр деб,
Кўзларимдан кетмаяпсиз-ку?!

Этак силкиб барига бир-бир,
Овутгиси келади парку.
Бу нимаси, нимага ахир,
Кўзларимдан кетмаяпсиз-ку?!

Тамом бўлди эртагимиз ҳам,
Тиниб бўлди лойқаланган сув.
Энди бегам яшайман десам,
Кўзларимдан кетмаяпсиз-ку?!



www.ziyouz.com kutubxonasi

## УКАЛАРИМГА

Отамдан сўнг отам бўлган укаларим,
Суянчимсиз – Бахтиёржон, Ғуломнаби.
Сиз борсиз-ку мени ким ҳам яккаларди,
Савлатингиз асл Алиомишлар каби.

Сиз тутсангиз янграр эшик тутқичларим,
Яйрар ҳатто кўчамдаги ариқ лаби.
Қадам товушингиз гурс-гурс келган сари,
Сезаман, бу – Бахтиёр ё Ғуломнаби.

Юзингизда отам файзин кўраман мен,
Елкангизни зиёратлаб тўликаман.
Келиб туринг, мискингина сўрайман мен,
Сиз келсангиз мен Хизрга йўликаман.

Суянчимсиз - Бахтиёржон, Ғуломнаби...



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ўзиники қилди сени ёлғонлар,
Қай қуюқ туманда куйдим йўқотиб.
Бирдан кўпайишиб кейин армонлар,
Армон аёзида кетдим совқотиб.

Сенсиз яшаш учун тўлғониб, инграб,
Бўғзимдаги тошни ютиб оламан.
Суратинг ўралган гиряни тинглаб,
Янги армонларни кутиб оламан.

Сени йўқотганим учун берилган,
Оғриқлар ўргимчак янглиғ ўрайди.
Қақшатқич аёзлар қатор терилган,
Жонимдан қурбонлик сўрайди.

* * *

Бинафша...
Мен сени жудаям соғиндим,
Ҳатто тушларимга кирдинг, бинафша.
Ҳаёт тўлқинида чайқалдим, тиндим,
Аммо севгим ўша, севганим ўша.

Йўғингда қайғулар, ғамлар тердим мен,
Бир йилмас, минг йилга татирли.
Ол, бугун дилимни сенга бердим мен,
Бинафша... сен энг хуш... атирли...

Кел, кафтимга олай, кафтимда яша,
Нафосат таралсин менинг қўлимдан.
Сеҳрли гулим бўл ўзинг, бинафша,
Қайғуларни хайдаб юбор йўлимдан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Хабар кутиб толган нигохларимдан
Тўкилмасдан туриб охор, азизим.
Бутунлик кизғонмай кўнгли яримдан,
Бахор бўлиб келинг, бахор, азизим.

Биттагина дилга минг оғрик нечун,
Мунгли кўравериб зерикди очун.
Кун кўриним эмас, яшашим учун,
Бахор бўлиб келинг, бахор, азизим.

Муз кўмган бойчечак янглиғ йўк эдим,
Ғийбат милтиклари отди, ўк едим,
Какшаган ич тунларда эртак тўкидим,
Бахор бўлиб келинг, бахор, азизим.

Гулимсан – музлардан кизғонаман, денг,
Дилимсан ичкингда уйғонаман, денг,
Хайратлардан дунё бўлиб кетсин кенг,
Бахор бўлиб келинг, бахор, азизим.

Кўкдан тушсин гўё илохий тилсим,
Субхимни шамоллар эркалаб елсин,
Тангрим борлигини ракиблар билсин,
Бахор бўлиб келинг, бахор, азизим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дунёда ҳар кимнинг ўз изи бўлсин,
Энг кўп соғингувчи ёлғизи бўлсин.
Сенга муҳаббатим бисёрдан бисёр,
Соғиндингми менинг юзимни, баҳор.

Ёдларимни ўйган соғинчнинг тиши,
Соддадил синглимнинг синик кулиши.
Қизғалдоқ терганмиз у билан кўп бор,
Соғиндингми менинг изимни, баҳор.

Пахта яганаси энг долзарб фурсат,
Ишладим тиззамни ўйди ҳар эгат.
Ғўзалар баргига сир айтганим бор,
Соғиндингми менинг тизимни, баҳор.

Шеърга кўнгил бердим, ишққа чулғандим,
Бир сўз деб ўртандим, бир сўз деб ёндим.
Кетдим – чорлайверди Шош деган дийдор,
Соғиндингми дарвеш қизингни, баҳор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БАҲОР

Соғинтирган сабзазорлар садоси – баҳор,
Ташна жоним жамолингнинг гадоси, баҳор.

Ҳижронтиғда тилкаланди узун тунлар,
Гирён учди, муҳаббатнинг нидоси, баҳор.

Адашмоқ ҳам, алданмоқ ҳам ишқдан бўлди,
Кўзни очди у кунларнинг хатоси, баҳор.

Чин соғинчни бахш этмоқ ҳам бир тозариш,
Ҳайрат тўла нигоҳларнинг фидоси – баҳор.

Куйит тонган табассум ҳам топса не тонг,
Қизғалдоқзор тўла сурур сафоси, баҳор.

Қора сочга қор ёғдириб кечди ғамлар,
Қайғуларнинг, оғриқларнинг адоси – баҳор.

Сен толиққан юрагингни кирларга тут,
Ювилгайдир анинг сариқ сафроси, баҳор.

Қирғоғидан ялпиз ўпган жилғага боқ,
Оқиб кетгай жабртошлар  жафоси, баҳор.

Дилни уйғот, умидворлик топ, Замира,
Ҳақ юборган ҳакимларнинг яктоси – баҳор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сен арщдаги фариштага, ҳурларга хеш,
Соддачирой, аммо сеҳри зўрларга хеш,
Атрофингда бир айланган шамол – дарвеш,
Атлас кийган, қирқ ўрим соч қизгина.

Атиргуллар кўкламгамас, сенга ҳумор,
Рашки баланд седоналар бўлган тумор,
Ҳуркаклик ҳамʼярашган қиз кайларда бор,
Атлас кийган, қирқ ўрим соч қизгина.

Ўсмали қош соясида кўзларинг чўғ,
Бир нигоҳинг минг оромни қулатган ўқ,
Сен тикилган кўзгуларнинг армони йўқ,
Атлас кийган, қирқ ўрим соч қизгина.

Бодомзорлар гулга тўлди келгин, қушим,
Сўз тополмай ғўлдирасам, мени тушун,
Нозинг билан олсанг негай ақлу ҳушим,
Атлас кийган, қирқ ўрим соч қизгина.

Тонг бағрида учган оппоқ каптармисан,
Мен ҳақимда бир яхши сўз айтармисан,
Отанг маним совчиларим қайтармасин,
Атлас кийган, қирқ ўрим соч қизгина.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ДЎРМОН БОҒИДА

Дарахтлар, гуллар кўп Дўрмон боғида,
Ҳаммаси табаррук, бари бахтиёр.
Ахир япроғида, шох, бутоғида,
Улуғ сиймоларнинг нигоҳлари бор.

Бунда йўлакларнинг ифтихори минг,
Муборак из солиб ўтган кадамлар.
Улар она элнинг, она диёрнинг
Юзхотири, шаъни бўлган одамлар.

Шоир, адибларнинг ижод уйи бу,
Бағрида зарга тенг фикрлар пишган.
Дониш кузнинг ўйчан лаҳзаларию
Баҳорларнинг ҳусни коғозга тушган.

Бунда деразалар нур тутиб яйрар,
Қалам тарашлаган бедорлар учун.
Насимлар бағрида валфажр янграр,
Тонгга туҳфа тутган дийдорлар учун.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУСЛИМАНИНГ ҚЎШИҚЛАРИ

1

Сунбул-сунбул, бир қулоч
Толбаргакдан тақиб соч,
Гул терсам гулойим деб
Қўшиқ айтди қалдирғоч.
Олам гўзал, беғубор,
Бунча яхшисан, баҳор.

Гулбоғлар бўй таратар,
Булбулларни сайратар.
Ҳалинчагим ҳайё-ху-в,
Учсам жонни яйратар.
Кўнгил нақшисан, баҳор,
Бунча яхшисан, баҳор.

Чеҳраларга чирой сен,
Сеҳрга, сирга бой сен.
Осмони тинч элимда
Қанот ёзган Ҳумой сен.
Ҳофиз бахшисан, баҳор,
Бунча яхшисан, баҳор.

2

Бойчечакдан салом келди,
Ялпиздан хуш калом келди.
Тухфа айлаб толбаргаклар,
Наврўздан эҳтиром келди.
Кел, гулюзим, кел, шўх кўзим,
Хуш келибсан, жон Наврўзим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёғиб берди оқ ёмғирлар.
Қизғалдоқзор бўлди қирлар.
Сайилларда яйради дил,
Янграб кетди қўшиқ, шеърлар.
Куну тунга тенг тарозим.
Хуш келибсан, жон Наврўзим.

Қалдирғочлар пастлаб учди,
Бодомзорлар гули пушти.
Тилаб ризқу омонликлар.
Улуғ ерга уруғ тушди.
Айланайин сендан ўзим,
Хуш келибсан, жон Наврўзим.

3

Ҳайрат тутар гулу япроқ,
Капалаклар менга ўртоқ.
Отамдайин улуғ юрт бу,
Онамдайин азиз тупроқ.

Мен шу элнинг дилбандиман,
Тилларида бол, қандиман.
Тўрт фасл тенг яшнаган, ҳур,
Ўзбекистон фарзандиман.

Яратганнинг меҳри тушган,
Муҳаббатнинг муҳри тушган.
Бу тупроқда туғилган жон,
Ҳалол меҳнат ила пишган.

Гўзал бунча яшил борлиқ,
Кўнгил фахру ифтихорлиқ.
Ватан озод бўлса, элга
Ярашгайдир бахтиёрлик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЁШЛАР ҚЎШИҒИ

Тонглар гўзал, сабо сарин,
Шодон кўшик бошлармиз.
Тогнинг юксак кояларин,
Орзулаган ёшлармиз.

Мустакиллик энг зўр баёт,
Куйлагаймиз дил билан.
Манзилимиз тараккиёт,
Борамиз ок йўл билан.

Камолот бу бахт дегани,
Шижоат хам ахд дегани.
Камолотга буюкликлар
Ёрдир хамма вакт дегани.

Кўксимизда олов ёнар,
Титрамас тиз бўламиз.
Ўрганамиз илму хунар,
Окиллар биз бўламиз.

Улуғ ота-боболардан
Ҳикмат топдик, нур топдик.
Тинглаб асрий наволардан,
Туганмас ғурур топдик.

Болам дея суяди эл,
Биз унинг офтоб, ойи.
Боғлаганмиз камишдан бел,
Биз шу элга фидойи.

Ватан бизга кучу кудрат,
Қайрилмас кўш канотмиз.
Билагимиз тўла кувват,
Алпомишга авлодмиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИСТАГИМ

Дилкашим, сиз менга дарддан гапиринг.
Эртакдан чиколган марддан гапиринг.

Отамни йўкотдим, сўнгрок онамни,
Кўзга тўтиёлик гарддан гапиринг.

Изтироб селидан кўпирди дарё,
Гирдобига жони гаркдан гапиринг.

Қай тош товонларда, кай тош елкада,
Фалак айлантирган чархдан гапиринг.

Маломатлар бисёр, фитналар сероб.
Ошик сийратларга шархдан гапиринг.

Камсукум кўнгилнинг гули омонми,
Самумда синмаган баргдан гапиринг.

Тупроғи кўтарар, суви яйратар,
Ўзбекистон денг сиз, Шаркдан гапиринг.

Замиранинг, зори-зўри хам шудир,
Ҳакки химоятлик халкдан гапиринг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БУ ВАТАН

Азизликда улуғ пир. Хизр. Ҳотам – бу Ватан.
Муҳаббати беназир, меҳри каттам – бу Ватан.

Борлиги мўъжизадир, соғинчи жон узадир.
Бағри беҳишт равзадир, деган отам, бу Ватан.

Зарваракда хотирим, асотирим, ботирим,
Дунёларга татирим, юзи там-там – бу Ватан.

Ёнган қуёшман, ойман, болам деганда бойман,
Дил деган хазинамда дури маъдан – бу Ватан.

Сўз айтсам сараси ул, кўзимнинг қораси ул,
Қизғонар бўлсам нуқул, рост ҳаммадан, бу Ватан.

Элимнинг оқиллигини, эркимни боқийлигини,
Сўрорим бордир ҳар кун, ҳар лаҳзадан, бу Ватан.

Ҳазрат ёзган шоҳ байтим, Ўзбекистон деб айтдим,
Замира билан ҳар дам бир жон, бир тан – бу Ватан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЖОН ДИЛИМ

Жон дилим, жонсарак бўл, наволарга яқинлаш,
Ҳақдан ҳадя юрак бўл, маъволарга яқинлаш.

Номалар нақшликдир, тутгани яхшиликдур,
Тақдирига комиллик раволарга яқинлаш.

Ғофилликдан алҳазар, ризқинг келар тонг саҳар,
Боғларда бода ичган саболарга яқинлаш.

Кошин ғишт иморатлар, мозийдан мерос хатлар
Қат-қатидан таралган садоларга яқинлаш.

Севги топ, муҳаббат топ, тўфонига тоқат топ,
Руҳият етган арши аълоларга яқинлаш.

Гул истасанг гулшан де, васф истасанг Ватан де,
Дўст истасанг садоқат, вафоларга яқинлаш.

Жисмингга гулханлик бер, маст айласин оҳанг, шеър,
Ён, ёнишдан ҳузурлан, сафоларга яқинлаш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Юрагимни ёритган чироғим Андижоним,
Олов юзим, чўғ кўзим, қароғим Андижоним.

Онамсан суйиб қучган, йўл қараб кўзи учган,
Бобур бобом сув ичган булоғим Андижоним.

Моҳларойимдай малак, сочидаги толбаргак,
Чўлпон шоир белида белбоғим Андижоним.

Минг-минг йиллик тарихинг, минг-минг ақли орифинг,
Тўқсон икки томирда титроғим Андижоним.

Бердинг ҳофиз ҳавасин, куйлай ёниб нафасим,
Бағрингда баландласин байроғим, Андижоним.

Мағрур қаддим-бўйим сен, истарам, ранг-рўйим сен,
Икки олам – уйим сен, тупроғим, Андижоним.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Юрагингда гуриллаган гулханинг бўлсин экан,
Салом десанг сайқалланган суханинг бўлсин экан.

Яшаяпман, мен-да борман, дейиш учун ўз сасинг,
Ўз ташвишинг, ўз қувончинг, ситаминг бўлсин экан.

Кўнгил розин изҳор этсанг тўлиққан тупроқ узра,
Муҳаббатни бино этган гулшанинг бўлсин экан.

Сайёҳ кетсанг кўзларингга муҳрланиб бўй-басти,
Қайтаришини кутар кулбанг, чеганинг бўлсин экан.

Замиранинг жони кичик, ҳайратлари осмонча,
Замирадай ўз беклигинг, Ватанинг бўлсин экан.

* * *

Аёз урган кўнгилда баҳор яратай дерман,
Райҳондай, атиргулдай, ифор таратай дерман.

Дўсти бўлиб кўшиқнинг, қадрин кўтариб ишқнинг,
Ҳижронзада ошиқнинг дардин аритай дерман.

Дилим оқар чашмадир, ким қум, ким тош ташлайдир,
Саботимга ғанимни ҳайрон қаратай дерман.

Уқубатбоп хулқим йўқ, рутубатга сулҳим йўқ
Зулматга енгилгим йўқ – бағрин ёритай дерман.

Ўйлаб Хизр, Хотамни, ўхшаш билиб отамни,
Мен ҳам кора ситамни – сингиб каритай дерман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# МЕҲРУ ОҚИБАТ

Донишларга дўст эрур азал меҳру оқибат,
Кўнгилни эритган нур – ғазал меҳру оқибат.

Тоғлик тутар қадрга, оқлик тутар бағирга,
Ташна лабли сағирга асал меҳру оқибат.

Йўқламай бирор дўстни, яккалашиб ким ўсди,
Тўзишнинг йўлни тўсди, зарҳал меҳру оқибат.

Рутубат ранжин солса, чап кўксинг санчиб қолса,
Билки ошиёнингда касал меҳру оқибат.

Танитгай ўртоғингни, танитгай тупроғингни,
Яшнатар чорбоғингни гўзал меҳру оқибат.

Манманликка бўлма қул, одамийлик шарти шул,
Ҳикмат уланган зарбулмасал меҳру оқибат.

Эй Замира, чин роз у, оҳанг тилаган соз у,
Ҳаётингга пардоз – у сайқал меҳру оқибат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мени айлансин бу жоним ўзингиздан,
Чекканим оҳ, фиғоним ўзингиздан.

Зиёратлаб сизни яйрайдир кўзим,
Сўролмас сўз забоним ўзингиздан.

Ишқингиздан яралгай дардли ашъор,
Ҳар ғазал, ҳар достоним ўзингиздан.

Васлингизнинг истаги ҳар лаҳзадир,
Айриликда тўзоним ўзингиздан.

Сизда мағрурлик, кибр шунча баланд,
Ончаким, паст осмоним, ўзингиздан.

Нетармен инкорингиздан синса дил,
Ўт олур хонумоним ўзингиздан.

Таваллолар айлагайдир Замира,
Келса деб бахтли оним ўзингиздан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сизни султон айлади дил, мухаббат бўлди бу дунё.
Ифори бекиёс бир гул малохат бўлди бу дунё.

Исмингиз, ёр, чўгми эрди, лабларимга ёниш берди,
Ёнилди нур, куёш кулди, харорат бўлди бу дунё

Корачигда турсалар гар, чехрадирким ул сехргар,
Хам ер кадар, осмон кадар махобат бўлди бу дунё.

Султон деса сўз солланур, гирён бўлиб гул олланур,
Бахшидадир жонга хузур, тароват бўлди бу дунё.

Жонлар ширин дардга тўла, бемор этибдур бир йўла.
Изхори дил танбур ила, муножот бўлди бу дунё.

Аршлардадир кўнгил кўзи, нурмидир у, ё ёр юзи.
Созлар чалиб сўзлар ўзи, саховат бўлди бу дунё.

Ул ишк сари, севги сари юрдим Замира сингари,
Ташриф талаб борлик бари, илтифот бўлди бу дунё



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Осмонда ой беркинса, чироғингиз мен бўлай.
Сочларингиз силкинса, тароғингиз мен бўлай.

Ишқ йўли бу дашт йўли, минг хил саргузашт йўли.
Нозанин боғнинг гули япроғингиз мен бўлай.

Топай товушингизни, силай ковушингизни.
Чанқасангиз тиниқ сув – булоғингиз мен бўлай.

Кўнгил муғаннийга най, жимирласин гулоб, май.
Қаддингиздан айланай, белбоғингиз мен бўлай.

Зерикди дил ҳасратдан, байт бўлайин Ҳазратдан,
Сўз кетса муҳаббатдан, титроғингиз мен бўлай.

* * *

Паришондур сочим сабодан кейин,
Нафармондур очун наводан кейин.

Кўнгил мулки ичра қимматли не бор,
Бари садоқатдан, вафодан кейин.

На кўкка, на ерга ярашар қаҳр,
Бойчечак таратган садодан кейин.

Хожалар не топсин, остонасидан
Йиғлаб қуруқ қайтган гадодан кейин.

Муҳаббатнинг кўзи кўр бўлса нетай.
Мен гоҳи севибман худодан кейин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ошиқликнинг тахти менга тайин бўлди,
Соғинчларда ўртаниш он сайин бўлди.

Соқин эрдим оразин то кўргунимча,
Оловларда ёнишлик сўнг, кейин бўлди.

Юзим боссам азобимдин олар бир-бир,
Манга сирдош оқ терак, оқ қайин бўлди.

Субҳи чоғлар мужда кутдим насимлардин,
Менга таскин тутар барлар майин бўлди.

Жафоси бор бўлдию йўқ анда парво,
Нахот ишқим жафокашга ўйин бўлди.

Эй Замира, сеҳр топдим, сабр топдим,
Фақат ул ёр дилин топмоқ қийин бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дунёнинг бир ками менда кўринди,
Юз-кўзимни топган мунгда кўринди.

Муҳаббатнинг қадри тўкилган кунлар,
Сўз топмай гўликкан гунгда кўринди.

Ифорлар гулники, зорлар дилники,
Ёлғонларнинг чўғи чинда кўринди.

Кўнгилники бўлди минг битта оғриқ,
Иситмасин тафти мингда кўринди.

Ойдай орзуларни туманлар ютди,
Излар сароб сари қумда кўринди.

Ким алдаб адашди, кимдир алданиб,
Тун ичра гуноҳлар чўнгда кўринди.

Энг аввал вафолар кетдилар ташлаб,
Жафолари кейин, сўнгда кўринди.

Дарддан огоҳ тушлар сувда жим оқди,
Хиёнатнинг ҳукми ўнгда кўринди.

Замира нақл топ, нома бит бугун,
Дунёнинг бир ками менда кўринди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Келар ишқдин башоратлар,
Танингда ўт, хароратлар.

Тапиб келгай дилингни, вох,
Шукух бирла шафоатлар.

Қароғингму ва ё дарё,
Окар ором, халоватлар.

Сарик хатдир сарик япрок,
Ёзилган сир-синоатлар.

Мухаббатнинг бари бахтму,
Тутар гохо маломатлар.

Берахм ёр сени сезмас,
Дилинг ўртар хаёлотлар.

Эй Замира, кўнгилни оч,
Келар ишқдин башоратлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бу олам севгию сир – севарман мен,
Ҳайратим кўзда ёмғир – севарман мен.

Мени кўнглимни банд этган ўшал ёр,
Бекиёс ҳам беназир – севарман мен.

Тараххумсиз ёндирар нихон истак,
Вужудим этиб тандир – севарман мен.

Истарамким, ани осмон дилига
Зулфларим бўлса занжир – севарман мен.

Кўзларимнинг ҳасратин тун тинглагай,
Тилаблар тиниқ тақдир – севарман мен.

Лайлими, Ширинми, Зуҳро дарс ўтар
Менга то субҳи соҳир – севарман мен.

Замира, менга муридлик хушдурур,
Ўшал ёрдир улуғ пир – севарман мен.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЧИРОЙЛИ

Эгик қошлар киёси – ҳилолингиз чиройли,
Юрагимнинг зиёси – юз олингиз чиройли.

Қанотлари хуш ялпиз, оққушдай ўйларимсиз,
Бўлсайкан мен ҳақдаги хаёлингиз чиройли.

Яйрар дарахту йўл ҳам, боссангиз бир-бир қадам,
Гулоб бўйин сочилган шамолингиз чиройли.

Севгидан сўзланса гар, ой юзингиз ловуллар,
Қорачиқда беркинган саволингиз чиройли.

Кўлларим тегса ногох, кўнгил ирок кокилга, вох,
Ноз ила ковок уйган малолингиз чиройли.

Насиб ўлсайди зора султонлик сиздек ёра,
Чимилдиққа ярашган висолингиз чиройли.

Замира ғазал айтсин, дил ёниб гўзал айтсин,
Оҳанг ичра номайин аъмолингиз чиройли.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЎЗБЕКОЙИМ ҚИЗЛАРИ

Ўзбегимнинг қизларин баҳор дея севсинлар,
Гулсўқмоқда изларин ифор дея севсинлар.

Атамасин тошбағир, ишқи юракда ахир,
Қорачиғин қатида изҳор дея севсинлар.

Олиб рақибнинг ўчин, ҳижрон кўрсатса кучин,
Севгида азиз ҳатто озор дея севсинлар.

Лоларухсор чўғланиб, сочи белга чулғаниб,
Ўтар бўлса ногаҳон, мен зор дея севсинлар.

Ойнинг келини ҳаваси, ёғини юлдуз нафаси,
Муҳаббатсиз ҳаётим бекор дея севсинлар.

Унинг манзили, жойи – иффат, ибо саройи,
Бегона кўз тушмаган рухсор дея севсинлар.

Замира ҳар қадамда, шодликда ва ё ғамда
Ўзбекойимдай малак даркор дея севсинлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# КЎНГЛИМ-АЙ

Кўнглим-ай, кўнглим, сенинг дардинг шунча оғирми?
Сайлаганинг, севганинг мағрурми, тошбағирми?

Қакшаган киш кочмади, кўкламинг гул очмади,
Васлини топмадинг хеч, соғинчларинг сағирми?

Қирк кокили киркта дор, бойлади киркта озор,
Сени сармаст айлаган кирк косада чогирми?

Кўчасига кўп бординг, охлар уриб ёлбординг,
Мехринг бекиёс эди, кайтганлари кахрми?

Мажнун бўлиб дашт топдинг, севиб саргузашт топдинг,
Ёндинг гулханларида, тутунлари тахирми?

У осмону сен тупрок, толиктирди-ку титрок,
Мухаббат дунёлари шунча синоат, сирми?

Қайтмадинг ўзга ёрга, изингга интизорга,
Кўнглма-ай, ошиклигинг шу аввалу охирми?



www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИЗЛАДИМ

Мен сизни олов ичра бир ох бўлиб изладим,
Юрак бағри соғинчга панох бўлиб изладим.

Роз айтиб гул тутдилар, дил тутдилар, нетарман,
Бегона из тушмаган даргох бўлиб изладим.

Ўзим дунё, ўзим бир мамлакат эдим ёра,
Гох саркарда, гохида сипох бўлиб изладим.

Сочларим коп-корадур, коп-корадур кўзларим,
Қароланган кунларга хамрох бўлиб изладим.

Товонимда тиконлар, тошларда лоларанг сўз,
Ситамларга сабрли сайёх бўлиб изладим.

Орзум кўкида офтоб, орзум кўкида ой бор,
Офтоб, ойсиз бу умр гумрох бўлиб изладим.

Севгига сиғмаган бахт сиғмагайдир кўнгилга,
Ҳак хукмига, Замира, гувох бўлиб изладим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўнгилга осмонликни муҳаббат берди менга.
Мушкулга осонликни муҳаббат берди менга.

Оқу корадир дунё, тонг бўлурмиди, тун ё.
Соҳиби сарсонликни муҳаббат берди менга.

Ғафлатни ганим дедим, бедор суйганим дедим,
Ой юзи сомонликни муҳаббат берди менга.

Ишқнинг имтиҳони кўп, аламли ҳижрони кўп
Сабрга султонликни муҳаббат берди менга.

Юрак тўла сирларим, кўзимда ёмғирларим.
Ҳофизи хушхонликни муҳаббат берди менга.

Замира ёниб куйгин, суйгин, жон тутиб суйгин,
Бу масту мастонликни, муҳаббат берди менга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кетдингизу кўзларим қаросида яшарсиз.
Азизликнинг аршида, аълосида яшарсиз.

Бағрим менинг ғариб қуш, ёдларингиз ширин туш,
Садоқатнинг сафоли асносида яшарсиз.

Дилдошмиди боғларим, бардошмиди тоғларим.
Тонгмиди у табибим, сабосида яшарсиз.

Нола бўлар ранжим бор, танбури мутаржим бор,
Муножотми, гирянинг навосида яшарсиз.

Тилимдадир исмингиз, кўзимдадир ҳуснингиз.
Замиранинг арш қадар баҳосида яшарсиз.

## НАЪМАТАК

Қоя тошлар кўшкингмидир, наъматак,
Шаршаралар ашкингмидир, наъматак?

Тик шохларга ҳусн берган оқ гулинг,
Тоғ қорига рашкингмидир, наъматак?

Сенга томон баландлайди кўнгиллар,
Чорлаётган мушкингмидир, наъматак?

Таърифингни Ойбек домла ўхшатган,
Шеърмидир бу, ишқингмидир, наъматак?

Замира ҳам сўз айтгиси келибдир,
Сеҳринг шунча тошқинмидир, наъматак?



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кулсангиз гул бўлиб унгувчи менман,
Сўлсангиз юлдуздай сўнгувчи менман.

Илтижом кабулдир бахтли эрсангиз,
Йўкса курук шохдай сингувчи менман.

Билдим, абгорлик ризк, зорлик насибам,
Минг бир ваъдангизга кўнгувчи менман.

Ибодат чоғларим исмингиз ёдда,
Жаннатий ўйларга чўмгувчи менман.

Юрар йўлингизга ракиб казса чох,
Ўшал йўл чохларин кўмгувчи менман.

Ёлғиз Тангри билар хаста кўнглимни,
Сизсизликдан кўзин юмгувчи менман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Рухсоринг росту бетаҳрир экан, билсам,
Хаста дилга васлинг хуш тадбир экан, билсам.

Нигоҳинг тушса ногоҳ жонларга ўт тушгай,
Бир нигоҳ минг синоат, минг сир экан, билсам.

Демишлар, бу оламнинг дардлари турфа-турфа,
Ҳама дард бир, ишқнинг дарди бир экан, билсам.

Хаёлингсиз ёруғ кун йўқ, ҳатто оним йўқ,
Далли ошиқлик менга тақдир экан, билсам.

Сенга етмоқ мушкулот, бетараҳҳумсан, вале,
Кетолмам ҳам зулфларинг занжир экан, билсам.

Нолайи афғонда шеърлар ҳам битар бўлдим,
Ҳажру ҳижронлиқ кўнгил шоир экан, билсам.

Замира, умрингга мазмун изласанг севгин,
Муҳаббат қийналишга арзир экан, билсам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ОНАЖОНИМ

Жон нисор айлаб умр этган тақдим, онажон.
Борлигингиз бор мулким, ганжу нақдим, онажон.

Меҳрингизга не қиёс, дарёми, денгизми хос,
Мискингина чеҳрангиз улуғ бахтим, онажон.

Сиз каби мунаввар феъл аёлга бой бўлса эл,
Олам гўзал – бу ҳикмат магзин чақдим, онажон.

Севги келди серсафо, учради бир маҳлиқо,
Сиз берган кўнгил билан анга боқдим, онажон.

Ўту оташман ўзим, ҳайрат ичрадир кўзим,
Унинг чекка зулфига мен гул тақдим, онажон.

Ҳуснида бордир ибо, сизга ўхшамиш илло,
Иқбол иморатинда шудир тахтим, онажон.

Шоирлар сўз саралар, созимдан куй таралар,
Замирадай таъзимда куйлаш аҳдим, онажон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИЛТИЖО

Муҳаббатсиз куймагин, бузлатма мени, дунё,
Фикри ожиздай саёз сузлатма мени, дунё.

Севги саҳроларинда саргардон кезай майли,
Кибри купни суйдириб сизлатма мени, дунё.

Кунглима ут, олов бер, ёнсин баланд-баландлаб,
Дарди йуқлар дайрида музлатма мени, дунё.

Менга тупроқдир табаррук нон каби, имон каби,
Ер қолиб кукдан камол излатма мени, дунё.

Ким йуқотмас узлигин, донишманд эрур асли,
Дусти нодонга сира юзлатма мени, дунё.

Замиранинг кунглида Узбекистон яшнагай,
Этмагин ундан айро, бузлатма мени, дунё.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Менинг умрим  садаф СЎЗли улуг уммонга бахшида.
Сабога совғалар тутган гулу райҳонга бахшида.

Қароғим куйдириб оққай гаҳи умид, гаҳи хижрон.
Буюк ишқим бўлур не тонг алам армонга бахшида.

Нега бунча ёниб суйдим, нега бунга ёмон куйдим.
Ниҳон оҳим, ниҳон дудим абр, осмонга бахшида.

Сочларимнинг толалари, кунларимнинг жолалари,
Дил қушимнинг нолалари нетай ёлгонга бахшида.

Замира бир қўшиқ айтсин, маним зорим қўшиб айтсин.
Яратгандан ажр қайтсин, бу жон ул онга бахшида.

* * *

Тунларимни бахш этмадим ғафлат тутган болиш учун,
Кўзим ойболтадир кадим зулматларни ёриш учун.

Севдим баланд дардим билан, киприкда хур гардим билан.
Кўнгилда кўк баргим билан хаёлларда қолиш учун.

Ҳаёт алғов-далгов кема, жабр нима, жафо нима,
Етмасам-да ҳеч бахтима, сўзим йўқдир нолиш учун.

Тоза рухсор чашма кани, ташна этди мен хастани.
Эй Замира, ишқим мани Ҳаққа томон бориш учун.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЭЙ КЎНГИЛ

Гўзалдурсен ишқ ила, эй кўнгил,
Жабрига жонни чила, эй кўнгил.

Сенга ошиқлик ярашсин, ё Раб,
Бойланиб кирқ кокила, эй кўнгил.

Беҳиштий бўй излаюр бедорни,
Бўлмагил дўст ғофила, эй кўнгил.

Улуғлар ҳикматидин хабар топ,
Яқинлаб юр оқила, эй кўнгил.

Яхши издин чаману боғ пайдо,
Кўрк ўлиб йўл, соҳила, эй кўнгил.

Нафсига қул эмаслар шоҳ эрур,
Тахти нурдан ҳосила, эй кўнгил.

Ноумид эрмас Замира, анга сен
Ҳаққа улфатлиғ тила, эй кўнгил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ишқ десам ёдимга хуммор кўз келар,
Бағрида шабнамли гулдек юз келар.

Оч нигоҳим паришон йўл пойласа,
Катта патнисда алам – ризқ рўз келар.

Ишқ десам феълим фидолик бўлгуси,
Жилваси жоним сўраб юлдуз келар.

Кўкламим пайтида кузнинг хаслари,
Манглайимга мулк ўлиб тош, туз келар.

Ишқ десам девоналиғ пайғоми бор,
Ҳол сўраб Машрабдайин пир – дўст келар.

Йиғларам – кўз ёшларим ичга оқар,
Лабларимга кўҳна чанқовуз келар.

Эй Замира, Ҳаққа етгайлар бу тахлит,
Деб улуғ Аршу аълодин сўз келар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ишкдур, мани маст айлаган ишқ.
Вужудимга ўт жойлаган ишқ.

Жилвалари хуш бода тутиб,
Саҳросида жим пойлаган ишқ.

Сочиб орзумга гоҳ атирлар,
Тупроқ сочиб гоҳ лойлаган ишқ.

Юрагимга соғинчлар ортиб,
Ул ёр ҳуснин ой, ойлаган ишқ.

Ҳаётиму хаёлим – барин,
Бир бевафога бойлаган ишқ.

Замира, қайт дема ҳеч, мени
Жон фидоликка шайлаган ишқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

*Кимки илм олган бўлса, Пайғамбар алайҳиссаломдан тўлуғ мерос олибдур.*

Имом БУХОРИЙ

Илм олурким, чўкичлаб тогдан олмос олибдур.
Хокисорлик оламидан шоҳон либос олибдур.

Ўлчай олгай икки эшик оралик манзилларинг,
Икки олам боги гуллаб берар қийгос, олибдур.

Қуёш билан қадрдон ул, ҳилол билан сирдош, дўст,
Зулматларга ёғдирурга нури шаррос олибдур.

Изин ўпган тупроқларда туғилгай гул-чечаклар,
Пири комил иззатларин меърожга мос олибдур.

Эл обрўсин оширса гар оқиллар оширгайдур,
Фикри фозил донишларга ўзни таққос олибдур.

Эй Замира, ҳазрат Имом Бухорийдан бу ҳикмат:
"Илм олурким, пайғамбардан тўлуғ мерос олибдур".



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Боғу баҳор багрида қолганда юрагингиз.
Субҳи наҳор савтини олганда тилагингиз.

Олам гўзал, бетакрор, дил интизор, дил хумор,
Ўзим бўлайин, эй ёр, кўнгилга керагингиз.

Бир чўғ дамни соғиниб, шўх қадамни соғиниб,
Қўшқирғоги райҳонга тўлганда йўлагингиз.

Олам гўзал, бетакрор, дил интизор, дил хумор,
Ўзим бўлайин, эй ёр, кўнгилга керагингиз.

Ойми, офтоб туғилса, қароқларга чўғ илса,
Келар бўлса оламни, сурурга ўрагингиз.

Олам гўзал, бетакрор, дил интизор, дил хумор,
Ўзим бўлайин, эй ёр, кўнгилга керагингиз.

Гуллар гуркираб кетса, хушҳиди кўкка етса,
Муҳаббатга айланса фаслингиз, фалагингиз.

Олам гўзал, бетакрор, дил интизор, дил хумор,
Ўзим бўлайин, эй ёр, кўнгилга керагингиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Жонни гулга ўраган гулзорим – сиз.
Нигоҳларим сўраган нигорим – сиз.

Во ҳасрато вожибмикан васлингиз.
Юрагимни тўлдирган озорим – сиз.

Ойдан сулув, қуёшдан-да ёруғроқ,
Беназирим, ҳусни бетакрорим – сиз.

Сувратингиз яшар икки кўзимда,
Десам, қани менга ҳам зор, зорим – сиз.

Толе топмас Замирани дунёда,
Бўлмасангиз гар ёнимда борим, сиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўнглингизни топгани йўл излаб жон ҳалакдир,
Гул қани, гулоб қани, бўзлаётган юракдир.

Гулшанимнинг файзисиз, сизлаб суйсам арзийсиз,
Ишқимга инкор эмас, изҳорингиз керакдир.

Ҳижрон йўли нафармон, тутгани алам, армон,
Хастаҳолимга дармон, сиздай нозли малакдур.

Йўллар узун толди кўз, томоғимда ёнди сўз,
Оҳимни англаган дўст, сел ёгдирган фалакдур.

Эй раҳми йўқ дилбарим, соғиниб кўнгил ярим,
Сизга деган гулларим паришон парпаракдур.

Сулувлар кўп, нетайин, бўлолмаслар сиздайин,
Васлингизга етайин, бу энг тоза тилакдур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУАЛЛИМ

Нақл борким, отадек улуғ, азиз муаллим.
Феълига ёт кибр, кек, дили гардсиз муаллим.

Машаққатдир чеккани, муҳаббатдир эккани.
'Шогирд учун ҳар сўзи новвот, майиз муаллим.

Ҳарф танитса ранж ила, ўлчанмагай ганж ила,
Таъмагирлик кўйида юрмас ҳаргиз муаллим.

Яхшилик не англармиз, яхши йўлни танлармиз
Улуғликнинг ибратин кўрсатган кез муаллим.

Паст девор қўрғони – синч, тунлари беҳадик, тинч,
Ўғирланмас мулки ишқ, ҳалол лабиз муаллим.

Қадрин баланд тоғ билиб, исмин айтсак соғиниб,
Ёғилгайдир юракка гулу ялпиз, муаллим.

Тилаб юр, эй Замира, камлик кўрмасин сира,
Умр гулшанларида табаррук из муаллим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Билмам сени качон топдим, муҳаббат,
Оромимга эшик ёпдим. муҳаббат.

Қароғимга дарё йўлин бурдингми,
Дардим ошкор сели обдин, муҳаббат.

Севдим дейиш тилимга ҳеч инмади,
Ғоз гурурим эгилмади, синмади.

Ёмон куйдим – кундузмиди, тунмиди,
Ўт туташиб бир офтобдин, муҳаббат.

Ақлим бир ён, туйгуларим бирён, ваҳ,
Жабр қайдан, қайдан сурур ва фараҳ.

Дил кушимми гул деб сайраган чах-чах,
Айро бўлиб ҳама хобдин, муҳаббат.

Кокилларим кирк ўримми, юз ўрим,
Ҳадя қилдинг куйиб яшаш ҳузурин.

Ишқсизларга етказиб кўй узурим,
Кечиб бўлдим бу аҳбобдин, муҳаббат

Хоҳла гул эт, хоҳла хазон, хас қил сен,
Мен бойланган кўпгилни топ, қасд қил сен.

Сеҳрлагин, уни ҳам сармаст қил сен,
Мен маст бўлган бу гулобдин, муҳаббат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўз солиб кўнгил сари байрам бўлинг,
Ташна дилга кавсари зам-зам бўлинг.

Ҳижронли кунлар дардидан, озоридан,
Хастаҳол жонга даво – малҳам бўлинг.

Қуёш аксин кўрурлар соф қатрада,
Бағрида нур титраган шабнам бўлинг.

Икки кўзнинг қорасин айлаб Ватан,
Кетмаган ул сўврати ҳар дам бўлинг.

Орзулаб тушган қадамга гул раво,
Изларига интизор олам бўлинг.

Ишқ йўли мушкул анинг шарти сабр,
Қўл тутиб толе томон ҳамдам бўлинг.

Эй Замира, чеҳрангиз парвонаси
Мен бўлай куйдирмажон, Сиз шаъм бўлинг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШЕЪРИЯТ

Манглайга ёзиб берган кўрмоғим бўл, шеърият.
Тақдирим чизиб берган сўқмоғим бўл, шеърият.

Оқилми, ғўра куним, дардмандга жўра куним,
Ишқ берган тўра куним, ҳур чоғим бўл, шеърият.

Иғволар ипим чувса, кўз ёшим юзим ювса,
Шодлик бағридан қувса, дилдоғим бўл, шеърият.

Сохтаю ёлғонга ёв, сўзимга жоним гаров,
Ҳақ йўлинда турса ғов сурмоғим бўл, шеърият.

Майли умрим гулми, хас, жондан кечгум, сенданмас,
Замира деган бир сас – салмоғим бўл, шеърият.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУНДАРИЖА

"Шеърият..."........3
Ватан ........4
Ўзбекистон деган жаранг бор ........5
Ўхшашинг йўқ ........6
Тож-тахтлигим Тошкентим ........7
"Топган дунём..."........9
Ватан бирсан, биттасан ......10
Суратинг сенинг, Ватан ......11
"Ризқинг қутлуғ..."......12
"Мен бир гулман..."......13
Севдим ......14
Севилган Ватан бу ......15
Ҳарбийлар ҳақида қўшиқ ......16
"Пешонаси муқаддас туғилсанг..."......18
"Ватанга қасамёд" ҳайкали пойидаги ўйлар......19
"Сайёҳликдан қайтган куним..."......20
Унутмасак ўзлигимизни..."...... 21
"Ҳикмат топдик..."......22
Жилмайганим Ватаним ......23
"Олтинкўлнинг оққушу ғози..."......24
"Юзлари шабнамда..."......24
Менинг элим ......25
Олтинкўлимсан ......26
"Истеъдод..."......27
Тупроқ ......32
Тинчликка нима етсин ......33
"Осмон мусаффо..."......34
Янги йилим ...... 35
"Юрагимнинг гулларин..."......36



www.ziyouz.com kutubxonasi

“Бунча узок колди...”.......37
“Менинг излаганим...”.......38
“Бунча баланд осмон...”.......39
“Мени тушунади кўклам.. ”.......39
Дунёни ўрагим келди.......40
“Сеҳр бер – буюк сўз...”.......41
“Меҳрингиз...”.......42
“Ёра деб...”.......43
“Нега, – дейман, - нима учун...”.......43
Кел, келсанг-чи, севгилим...... 44
“Кунларимни қийнаб...”.......45
Муҳаббатнинг шамлари ўчмас...... 46
“Қувончмиди...”.......47
“Гўзал гулзор...”.......48
“Омад тутса бошингга офтоб...”.......49
“Дарёдил...”.......50
“Гуллаган ўрикзор...”.......51
“Мен зерикдим...”.......52
“Рухсорини рўмолида тўсган киз...”.......53
“Кўнгилни бой этар...”.......54
“Сизсиз дилда йўқ ёғдулар...”.......55
“Нури нафис ҳилолим...”.......56
“Офтобжамол...”.......57
Садога ......58
“Сулувга гул...”.......59
“Юрагимга ботган ниш...”.......60
Икки дуэт ......61
Чанковузли, ҳой сулув ......64
“...Сизга етмоқ учун...”.......65
“Кенгликларни тўсди...”.......65
“Қаро сочим...”.......66
“Томчи...”.......67
“Сочингизни ўпса шамол...”.......68
“Тилаклари тилло...”.......69



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўчангиздан ўтганим ўтган .......69
"Ўт бўлиб..." .......71
"Сочларингиз толбаргаги..." ........72
"Мажнунтоллар..." ........73
"Юрагимнинг кат-қатига..." .......74
"Мен севдим-у..." ........75
"Ёрдан хабар берди саболар..." .......76
"Баргларда хаёлим бор..." .......77
"Севгим сағир..." .......78
"Осмон узра..." .......79
Юрагимни улғайтирди андуҳларим .......80
"Ойнинг заррин ипаклари..." ........81
"Биз йигитнинг мардлигин..." ........82
"Мунгли сoздан..." ........83
"Туйғуларим шириндур..." .......84
"Истак қушин..." .......85
"Юлдузлардан ёғилди шеър..." ......86
Кўнглим менинг....... 87
"Эй, гўзал хотирим..." ......88
"Кун келар... " .......89
Ўғлимга .......90
"Ошкор этгин..." .......93
"Алдовлардан толиқдим ёмон..." ......93
Тулпор........94
"Сени суйсин..." .......95
Яшил оламим – Наврўз...... 97
Кетгим келмас умид боғидан ......98
"Кўнглим менинг..." ......99
Отажон ......100
Улуғ дўстлик .....104
Таъзимим сизга, устоз ......105
Она тилим ....106
Қомус китобига .....107
"Кўл юзидан..." .....109



www.ziyouz.com kutubxonasi

Меҳрибонлик уйида ...110
Хаёлим сенда бўлди... 111
"Ошиқ дилнинг муҳаббати..." ...112
Шифокорлар ...113
Кечикма онанг зиёратига... 114
"Ёмон яшамадик..." ...115
"Ҳаёт шатранжмиди..."... 115
"Сўлманг..."....116
"Тамом бўлди..."... 117
Укаларимга ...118
"Ўзиники қилди..."....119
"Бинафша..."....119
"Хабар кутиб..." ...120
"Дунёда..."....121
Баҳор ....122
"Сен аршдаги фариштага..."....123
Дўрмон боғида .....124
Муслиманинг қўшиқлари... 125
Ёшлар қўшиғи ...127
Истагим ...128
Бу Ватан ...129
Жон дилим ...130
"Юрагимни ёритган чироғим..."....131
"Юрагингда..."....132
"Аёз урган кўнгилда..."....132
Меҳру оқибат ...133
"Минг айлансин..."....134
"Сизни султон айлади дил..." ...135
"Осмонда ой беркинса..."....136
"Паришондур..."....136
"Ошиқликнинг тахти..." ...137
"Дунёнинг бир ками..."....138
"Келар ишқдин..."....139
"Бу олам..."....140



www.ziyouz.com kutubxonasi

Чиройли ...141
Ўзбекойим қизлари ...142
Кўнглим-ай ...143
Изладим ...144
“Кўнгилга...”...145
“Кўнгил каросида яшарсиз...”....146
Наъматак ...146
“Кулсангиз гул бўлиб...”....148
“Рухсоринг...”....149
Онажоним ...149
Илтижо ...150
“Менинг умрим...”....151
“Тунларимни бахш этмадим...”....151
Эй кўнгил ...152
“Ишқ десам...”...153
“Ишқдур...”...154
“Илм олурким...”...155
“Боғу баҳор бағрида...”...156
“Жонни гулга ўраган...”...157
“Кўнглингизни топгани...”...158
Муаллим ...159
“Билмам сени қачон топдим...”....160
“Кўз солиб кўнгил сари...”....161
Шеърият ...162



www.ziyouz.com kutubxonasi

Замира РЎЗИЕВА

# УМИД БОҒИ

Адабий-бадиий нашр


Муҳаррир *Н.Жўраев*
Техник муҳаррир *Н.Сувонов*
Дизайнер *О.Фозилова*

Нашриёт лицензияси № 181. 08.12.2011.
Теришга 20.07.2013 й.да берилди.
Босишга 19.09.2013 й.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. Офсет босма. «Times» гарнитураси.
Шартли б.т. 3,75. Нашр-ҳисоб т. 10,5. Адади 1000 нусха.
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма №66

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
«ADIB» нашриёти масъулияти чекланган жамияти.
100027. Тошкент ш. «Ўзбекистон» кўчаси, 16^а^ уй.
Тел.: (8371) 245-89-24.

**"HILOL MEDIA" МЧЖ**
матбаа бўлимида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишуви


www.ziyouz.com kutubxonasi